

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

АЗИЗ ОНАЛАР, ОПА-СИНГИЛАР!

МЕХР-МУҲАББАТ, НАФОСАТ ВА ҒУЗАЛЛИК АЙЁМИНГИЗ ҚУТАҒУ БЎЛСИН!

«Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи,
уйримизнинг гули деб эъзозласак, демакки оила-
мизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз».

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕК ОНАСИ

Муштирапар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг,
Куйинчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг,
Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, ўзбек онаси, ўзбек онаси.
Сени Тўмарис деб, мактаганим бор,
Сен Темур бешигин тебратган бедор,
Сенсан Бибихоним, Нодираи зор,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, ўзбек онаси, ўзбек онаси.
Ватаним Она деб бекор айтилмас,
Она буюрганда йўлдан қайтилмас,
Сен ўзинг Каъбамсан, Байгул муқаддас,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, ўзбек онаси, ўзбек онаси.
Бошингдан нималар ўтмайди ахир,
Ватандек тақдиринг бўлди гоҳ тахир,
Бобур шоҳ бўлса-да, қошингда фақир,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, ўзбек онаси, ўзбек онаси.
Гоҳида балкидинг Барчиндек тўлиб,
Ғузадек қуридинг Турсуной бўлиб,
Тимсолинг Яловда юлдуздек қулиб,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, ўзбек онаси, ўзбек онаси.
Фарзандинг қувонса - сен ҳам қувондинг,
Фақат болам дединг, яшадинг, ёндинг,
Нокаси учраса, ўртандинг, тондинг,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, ўзбек онаси, ўзбек онаси.
Келажақ тойчоғу тойингиздадир,
Жаннат ҳам, албатта пойингиздадир,
Ватан-ку, Сиз турган жойингиздадир,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, ўзбек онаси, ўзбек онаси.
Сизга таъзим қилиб турибман бу пайт,
Сизга бахшидадир энг шоҳона байт,
Азиз Ўртбошинга дуоларинг айт,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, ўзбек онаси, ўзбек онаси.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири



МУКОФОТ МУБОРАК!

Бизга нафосат, ғузаллик, ёшлик, яшарли байрамларини бошлаб
берувчи баҳорнинг ilk кунларида юртимиз бўйлаб яна бир хушxabар
тарқалди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қаро-
рига асосан адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим йўналиш-
лари бўйича ўзининг ноёб истедодини намойиш этган бир гуруҳ иқти-
дорли қизларимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор
бўлдилар. Биз Зулфия мукофоти соғиндорларини қизгин муборак-
бод этарканмиз, Ватан шайн-шавкати, эл бахт-саодати йўлида
ҳормай-толмай интилиб, изланиб яшашларини тилаб қоламиз.

Артикова Анифа Калилаевна —
Қорақалпоғистон Республикаси
Нукус шаҳридаги тасвирий ва ама-
лий санъат лицейининг 9-синф
ўқувчиси;

**Дадахўжаева Нилуфар Рафик-
жоновна** — Андижон вилояти Ан-
дижон шаҳридаги Бизнес-мактаб-
нинг 3-курс талабаси;

Ҳамроева Орзигул Жалоловна
— Бухоро вилояти Жондор тумани-
даги 5-ўрта мактабнинг 9-синф
ўқувчиси;

Мўминова Шохида Ёқубовна —
Жиззах вилояти Жиззах шаҳар тиб-
биёт коллежининг 1-курс талаба-
си;

**Раҳмонова Шаҳноза Муҳитди-
новна** — Қашқадарё вилояти Му-
борак туманидаги 4-мактабнинг 9-
синф ўқувчиси;

**Темирова Муҳаббат Темиров-
на** — Навоий Давлат кончилиқ ин-
ститутининг 4-курс талабаси;

**Улуғхўжаева Муқаддасхон На-
имхоновна** — Наманган вилояти

Косонсой туманидаги 42-ўрта мак-
табнинг 9-синф ўқувчиси;

Улашова Мамлакат Аҳмадовна —
Самарқанд вилояти маданият
коллежининг 1-курс талабаси;

Ғайбиева Малика Мавлоновна —
Сирдарё вилояти Ширин шаҳри-
даги 2-ўрта мактабнинг 9-синф
ўқувчиси;

**Ҳолмирзаева Манзура Абдуму-
ротовна** — Сурхондарё вилояти
Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб-
нинг 9-синф ўқувчиси;

**Умарова Мастура Мўйдинбоев-
на** — Тошкент Давлат Аграр уни-
верситетининг аспиранти;

Ўсарова Нафосат Ҳомидовна —
Фарғона давлат университетининг
3-курс талабаси;

**Рўзметова Мўътабар Курбон-
боевна** — Хоразм вилояти Ҳазор-
асп туманидаги педагогика касб-
хонар коллежининг 1-курс талаба-
си;

**Бердиева Дилором Бобомуро-
довна** — 1-Тошкент Давлат Тибби-
ёт институтининг 7-курс талабаси.

Хабарингиз бор, яқинда
Алмати шаҳрида "Марказий
Осиё ҳамкорлиги" ташкило-
тига асос солинди. Бу
ғоянинг ташаббускори Ислам Каримов
унинг раиси этиб сайланди. Шунинг
оқиб эътироф-этиш керак, бу минта-
қада янги мустақил давлатлар пайдо
бўлганидан бери Ўзбекистон уларни
ҳамкорликка ва ҳамжиҳатликка чор-
ловчи куч, унинг Президенти эса мин-
тақадаги халқларни қардошлиқ туй-
ғуси билан боғловчи инсон сифати-
да намён бўлмоқда. Бу қардошлиқ
дастлаб ҳамдўстлик, кейинчалик иқти-
содий ҳамжиҳатлик кўринишларида
мустаҳкамланган бўлса, энди ҳамкор-

ҲАМКОРЛИК ВА МЕХР-ОҚИБАТ КЎПРИГИ

лик ташкилот деган номда расмийлаш-
тирилди. Энг муҳими, қандай номда ата-
лиши эмас, балки эли бир, дили бир,
дини бир, қолаверса, ўтмиши бир, бугу-
ни бир, эртаси бир халқлар ўртасидаги
мехр-оқибат кўпригини мустаҳкамлаш
йўлидаги эзгуликдир.

Янги ташкилот зиммасига минтақада
иқтисодий интеграцияни ривожланти-
ришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-тех-
никавий, маданий-маърифий алоқалар-
ни кенгайтиришнинг шакл ва механизм-
ларини такомиллаштириш вазифаси юк-

ланди. Бу вазифани адо этишнинг им-
кониятлари кенг. Айниқса, иқтисодий ре-
сурслар масаласида. Жумладан,
Ўзбекистонда самолётсозлик, машина-
созлик, олтин қазиб олиш, радиоэлек-
троника, химия саноати, пахтачилик, Қир-
ғизистонда электр энергетикаси, тама-
качилик, Қозоғистонда нефть, машина-
созлик, металлургия, дончилик, Тожики-
стонда сув ресурслари, электр энергетика-
си, рағли металлургия, деҳқончилик
ривожланган.

Айниқса, савдо-сотик, коммуникация,

сайёҳлик каби соҳаларда
минтақада ягона инфра-
структурани шаклланти-
риш борасидаги яқин ҳам-
корлик, шубҳасиз барча давлатлар-
га бирдай фойда келтиради.
Шунингдек Ўзбекистон раҳбари
тўрт мамлакат ўртасида ўзаро теле-
дастурлар намойиш қилиш таклифи-
ни ҳам илғари сурди. Бу халқлар-
ни бир-бирига янада яқинлашти-
ришнинг, улар ўртасида ўзаро
ишончни мустаҳкамлашнинг ҳамда
ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг
энг асосий омилларидан биридир.

Иброҳим НОРМАТОВ
«ТУРКИСТОН-ПРЕСС»

ОМОН МУНАВВАРАЛИГИ СИЗ БИЛАН, МУКАРРАМА АЁЛ!

АЁЛЛАРНИ АСРАНГ, ЭРКАКЛАР!



Аёл дунёни тебратди, ҳаётни безайди, инсонни дунёга келтиради. Жамиятимизнинг барча жабҳаларида аёлларимиз фаол иштирок этаётганини кўриб турибмиз. Энг масъулиятли вазифа — оилани тебратиш ҳам улар зиммасида. Мен баъзан аёлларни охира деб аташларига сира қўшилмайман. Аёл охира эмас, балки метин иродали, сабр-бардошли, тadbиркор, илоҳий меҳрга, кучга эга зотдир. Аёлнинг қирқта жони бор, дейилган гап, ҳақ ростдир. Баъзида аёл қилган меҳнатга эркак зоти бардош беролмайди.

Мустақиллик йилларида аёлларимиз фаоллиги янада ошди. Ҳурматли Президентимизнинг оналарга, фарзандларимизга кўрсатаётган эътибору ғамхўрлигининг барча тармоқларида самарали меҳнат қилишмоқда.

Ҳар бир хонадоннинг, мамлакатимизнинг кўрки бўлган Аёлларимизни асранг, азиз эркаклар! Уларга ҳар дақиқа маддадор бўлалик, мушкулени осон қилалик.

Азиз, меҳрибон онахонлар, опа-сингиллар! Гўзал айёмингиз билан чин юракдан қўлайман. Доимо уйимизни, кўнглимизни, юртимизни меҳру муҳаббатингиз билан бебаб юраверинг!

Қодир ШОКИРОВ,
нафақадаги ўқитувчи

Самарқанд вилояти,
Пахтачи тумани

ОМОН БЎЛИНГ ШОНИМ-ШАВКАТИМ



— 8-Март — Хотин-қизлар байрами. Азиз онахонларимиз, табаррук бувижонларимиз, мунис опа-сингилларимиз байрами. Бу байрам қўшалоқ бўлса-чи?! Қўшалоқ бўлса, янада ҳаяжон билан тўлқинланиб кутар экансан киши. Бу йил менинг ҳам онахоним — Сатторова Дилоромхон Абдурауф кизи 50 ёшга тўлади-лар.

Онахоним педагогик касбини улуғлаб, ота-она ишини давом эттирганлардан. Йигирма йилча илмий-тектириш институтда меҳнат қилган бўлсалар, қолган ўн йил ўрта мактабда илмий бўлим мудири бўлиб таълим-тарбия берди-лар.

Онахоним педагогик касбини улуғлаб, ота-она ишини давом эттирганлардан. Йигирма йилча илмий-тектириш институтда меҳнат қилган бўлсалар, қолган ўн йил ўрта мактабда илмий бўлим мудири бўлиб таълим-тарбия берди-лар.

Оилада икки ўғиллари икки қанотлари.

Омон бўлинг,
шоним-шавкатим,
Нурли юзли
давлатим онам.
Умид, гурур
хаёлларимнинг,
Улуғвори,
савлатим онам.

Қизингиз НИЛУФАР
Тошкент шахри



ИЖОД-ИЛҲОМИМИЗ СЕНГА, ОНА-ВАТАН!

Ушбу сувратдаги иссиқ чехраларни сиз танигандай бўлапсиз. Дарвоқе, уларнинг қўндалик ижодий меҳнатидан сиз доимо баҳрамандсиз. Радио орқали овозларини эшитгансиз, телевидение экранда ўзларини кўргансиз, газета-журналларда шеър улуғларини мириқиб ўқигансиз...

Ҳа, улар машаққатли ва айни дамда шарафли касб эгалари — журналистлар...

Чапдан ўнгга — Амина Қодирова («Ишонч» газетаси), Дилором Исмоилова, Ойгул Сунодиқова («Саодат» журнали), Муҳтарама Улугова (Ўзбекистон телевидениеси), Муаттар Усмонова (Ўзбекистон радиоси), Муҳиба Ҳамидова (Бухоро вилоят, «Қизиб» газетаси), Гулчехра Умарова («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси).

М.МИРСОДИҚОВ

МЕҲРИНГИЗ ДУНЁЧА БОР...

Она бўлиш қанчалар бахт! Орзуғул опа қарийб 20 йилдики, мана шундай бахт туйғусини ҳар бир аёл билан бирга тотиб кўради. Она бўлгач, кўзлари чарақлаб очилган аёлнинг «Сизга раҳмат», деган биргина сўзи учун бутун борлигини фидо этишга тайёр у!

Меҳнат инсонни улуғлайди. Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги туғруқхонада акушер-гинеколог бўлиб иш бошлаган Орзуғул Янгибоева ўтган йиллар ичида ўз устида тиним билмай ишлади. Билим ва тажриба тўплади. «Олий тоифали шифокор» даражасига эришди. Беш йилдан буён у туғруқ мажмуасида бўлим мудири вазифасида фаолият кўрсатаётди.

Агар оила тинч ва аҳил бўлса, аёл киши ҳам жамият ишига эмин-эркин аралашади. Хонадон бошлиғи Исмоилжон Йўлдошев асли муҳандис, лекин аёли, фарзандларининг кўнглини овлаш учун доимо вақт топади. «Етса молим, етмаса жоним», дейдиганлардан у. Бу оила ҳар



жиҳатдан ҳавас қилгулик. Икки қиз ва бир ўғил оналарининг меҳрини ҳар нафасда ҳис этиб туришади. Асосий мақсадимиз «Соғлом авлод» Давлат дастурини босқичма-босқич амалга оширишдан иборат, - дейди Орзуғул Янгибоева. Ҳафтанинг ҳар жума кунинда маҳалла ва қишлоқларга чиқадиган махсус гуруҳларимиз бор. Асосан қиз болаларни тиббий жиҳатдан турмушга тайёрлаш юзасидан уларнинг оналари, муаллималари билан суҳбатлашамиз...

Байрамимиз арафасида мен Орзуғул опани гойибдан кучиб, «Аёлга, гўдакларга берган меҳрингиз ўзингизга юз ҳисса бўлиб қайтсин», дегим келади.

Г. ЖАМИЛОВА

ШИРИН СЎЗИ ДОРИДАН УСТУН

Хотин-қизлар байрамнинг баҳорда нишонланиши бу фасл чиройини янада очиб юборади, дессам муболага бўлмайди.

Оиламиз фаритаси бўлмиш азиз аёллар, сингилжонларим, қизларим, сиз ҳамиша қалбларни забт этувчи гўзал шеърлар илҳомчиси бўлиб юринг...



Яхши бўлсак, кўнглини чоғ айлайди аёллар, Ёмон бўлсак, қалбларни доғ айлайди аёллар. Умр меваси — фарзанд оналар билан қувнок. Уйни меваларга бой бог айлайди аёллар. Гўлдек турмушимизга ўшалардир сабабчи, Эй дўстлар, кўксимизни тоғ айлайди аёллар. Уларнинг ширин сўзи доридан устун, Тўра. Дард чексак, меҳри билан соғ айлайди аёллар.

Тўра ЖУМАН,
меҳнат фахрийси

ЙЎЛШИТГИЗГА ГЎЛЛАР ПОЯНДОЗ

Мен мустақилликдан кейин ташкил этилган, республикамизда ягона бўлган Тошкент шаҳар ихтисослаштирилган Хотин-қизлар коллежида таълим оламан. Келгусида энг замонавий касблардан бўлган дастурчи-оператор мутахассислигини эгаллайман. Баҳорни ўзгача қувнок билан кутиб олаётман. Чунки бу йил ўқишимни битириб ҳаётга йўлланма оламан.

Коллежимиздаги муаллимларимиздан Нодира Октамова, Фариди Зариповалардан жуда миннатдорман. Улар қаттиққўл бўлсалар-да, бизга онамиздек меҳрибон. Пайтдан фойдаланиб баҳорнинг энг чиройли байрами 8-Март билан коллежда бизга таълим бераётган устозларимизни, талаба дўгоналаримизни муборакбод этаман. Юртимиздаги барча хотин-қизларнинг йўллари баҳорий гулларга тўлсин.

Дилрабо БЕРИКБОВЕВА,
Тошкент ихтисослаштирилган
Хотин-қизлар коллежининг
3-курс талабаси



УЧРАШУВ ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Халқимизда меҳр кўзда деган гап бор. Аслида ҳам шундай. Кўнглидаги эҳтиром ва меҳрнинг кўз-кўзга тушганда пайдо бўлиши рост. Баҳорнинг серкўёш кунларидан бирида Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида «Оила ва жамият» газетаси ходимларининг талабалар билан ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Уни университетнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Ш. Шодмонов очиб, ҳозирги кунда ёшлар ҳаётидаги матбуотнинг роли ҳақида гапирди.

Шунингдек учрашувда Ўзбек Миллий драма театрининг санъаткорлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Саида Рамотова ва Раъно Ярашева ҳам иштирок этишди.

Университетнинг иқтисодий таълим ва педагогика кафедраси мудири, профессор Н. Хўжаев, Бағдод Баҳром ўғли, бирлашган қасаба уюшмаси расиси А. Назаров сўзга чиқиб, республика газеталари орасида «Оила ва жамият» газетасининг ўзига хос ўрни борлиги ва унинг ёшлар тарбиясига йўналтирилган мақолаларининг таъ-

сирчанлиги, ҳаётийлиги ҳақида гапирди.

Республикада хизмат кўрсатган журналист, таниқли ёзувчи Дилбар Саидова қатнашчиларнинг газеталарда чоп этилаётган мақолалар ва бадий ижодга оид саволларига жавоб берди.

Учрашув нихоясида Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети иқтисодий таълим ва педагогика кафедрасининг мудири, доцент Замира Баубекова йиғилганлар номидан «Оила ва жамият» газетаси ижодкорларига миннатдорчилик билдирди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ



БУ АЁЛ ҚИЗДАЙИН ГЎЗАЛ ВА БАРНО, УНВОНИ БОР УНИНГ — ЎЗБЕК АЁЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗЛАРИ

Хайронаман, мунча сулув Ўзбекистон қизлари, Хаётимиз гулшанидир, Ўзбекистон қизлари. Диёримиз боғу бўстон, ер юзининг жаннати, Ушбу жаннат парилари, Ўзбекистон қизлари. Кийса атлас, дуру гавҳар бўйларига ярашар, Кўрган одам ҳайратланиб, сукланишиб қарашар. Ошиқлари телбаланиб йўлларида адашар, Кўзларимнинг роҳатидир, Ўзбекистон қизлари. Жамолдан нур таралар боғда сайр қилганда, Чаман гуллар таъзим қилар гўзал қизлар келганда, Мафтун қилар ҳар юракни ним табассум қилганда, Ўртимизнинг зийнатидир, Ўзбекистон қизлари. Сарви равон бўйларига бўй тумори бўлайин, Кўз тегмасин чехрасига кўз тумори бўлайин. Лозим бўлса шулар учун жонни қурбон қилайин, Жоним олсин жононалар, Ўзбекистон қизлари.

ХУДОЙНАЗАР

Тошкент шахри



ҚИЛАНГИЗ АГАР КЕЛИН...

Кишлоғимнинг қизлари ҳилолдек ёй қошлари, Юлдуздек чакнаб турар гўзал чарос кўзлари. Мажнунтолдек тўлғонар тўндек қора сочлари, Латофатли доимо кишлоғимнинг қизлари. Бекор бўлди дегунча кўлга олар каштасини, Ҳеч қимдан аямайди ширингина сўзини. Кўксидадир ҳар қачон нозик, чакқон кўллари, Гўзалликда тенги йўқ, кишлоғимнинг қизлари. Қилсангиз агар келин, оғритмас ҳеч қим дилин, Шундагина топарсиз ўзингизга лойингин. Ҳавас қилар ҳамма қўшни кишлоқ, орзулари келин қилмоқ, Йигитларни мафтун қилган, кишлоғимнинг қизлари.

ПАРИЗОДА

Шахрисабз

ЎЗИНГ АСРА, ОНАЖОНИМНИ...

Еру кўни яратган Эгам,
Кулу бекни яратган Эгам,
Эй, борлиқни яратган Эгам,
Ўзинг асра, онажонимни.
Фарзандларга инсофни мўл бер,
Ишқли юрак, севгувчи дил бер.
Йиғламасин, онага гул бер,
Ўзинг асра, онажонимни.
Кўлим чўздим самоларингга,
Имдод сендан гадоларингга.
Жоним фидо жафоларингга.
Ўзинг асра, онажонимни.
Илтижомни тингла юз бурмай,
Дуоғўйим ҳеч дардманд кўрмай.
Шифо сўрдим саждадан турмай,
Ўзинг асра, онажонимни!

Муҳтарама ТУРКОЙ

Хатирчи

МУСИЧАДАЙ КАМПИРГИНА

Рўзгорим деб қуонади қариса ҳам,
Игна сўрар кўз нуридан айрилса ҳам.
Куймаланар тўқишса-да, тайрилса ҳам,
Келин қилган ишдан кўнгли тўлмайгина,
Бош чайқайди мусичадай кампиргина.
Топганини, чолига деб илинади,
Чоли бир ён кетса кўнгли бўлинади.
Сал кечикса дунёлар тор кўринади,
Қайга бунча кетдингиз деб қилар гина,
Кўнгли ҳуфтон бўлиб кетган кампиргина.
Нафақасин рўмолчага тугиб кўяр,
Ўқишдаги набирасин дилга туяр.
Данагини мағзидан ҳам жуда суяр,
Пуллариға кўйлак олиб киймайгина,
Орзуларга ботиб юрар кампиргина.
Тонгдан туриб фариштага эшик очар,
Ним қоронғу осмонларга нурын сочар.
Ҳар гапида юзларига дуо тортар,
Ўзи улуг, лекин жуда камтаргина,
Элу-юртга ризқ тилаган кампиргина.
Дуолари сизу бизни кўллаб юрар,
Ўғитлари келажакка йўллаб юрар.
Хафа бўлманг, ҳаққи борки тергаб турар,
Келин сизга қолар ўчоқ, тандиргина,
Фаниматдир бу беозор кампиргина.

Тоҳир НОРИМОВ

Ургут

РЎЗГОРИ ЯШНАТАН...

Бу аёл қизлардай кўркем ва барно,
У ўтган йўлларда қолар гул иси.
Ойдайн етилиб борар тобора,
Худдики парининг, малакнинг қизи.
Бу аёл кўлида улғаяр гўдак,
Аллали онлардан тўлар илиги.
Рўзгори яшнаган лоладек, гулдек,
Пайғамбар онадан олган билимин.
Бу аёл хўжаси юрар беклардай,
Минг кўйли бойлардай кўркили, савлатли.
Ўтади ҳар қуни сархуш эртақдай,
Кўнгли тўқ уйдан, шохдай давлатли.
Алқисса, эрини Эр қилган аёл,
Барчанинг кўзига бойдай кўрсатган.
Бирор камлигидан сўзламай, алҳол,
Мардларга тенг қилган ҳар бир сифатин.
Фаришта экан деб маъноли қулманг,
Нахот, ул келинлик тахтида мудом.
Айтайин ул Аёл ҳулқи Сабриддан,
Отаси - Иқболдир, онаси - Ибо.
Мен шундай Аёлга қиламан таъзим,
Бир умр тайёрман олмоққа сабоқ.
Бош узра қўйсангиз минг бора арзир,
Улар-ла яшасанг чўл ҳам бўлур боғ.
Бу аёл қиздайин гўзал ва барно,
Унвоми бор унинг - Ўзбек аёли.
Ул ўтган кўчада қулф урар чирой,
Ул тутган рўзгор тўқ, қуни сафоли.

Шарофат БОТИРОВА

Жиззах

ЎЛДАН-ДА НОЗИК...

Гул нозик, гулданда нозикдир аёл,
Йўғимиз бор қилиб юрган ҳам аёл,
Дунёни тебратиб турган ҳам аёл,
Дунё бетайиндир аёл бўлмаса.
Ўз йил баҳор бўлсин, чўллар гуллосин,
Булбул сайрайверсин, майли тинмасин,
Дарё қўшқиб айтиб-айтиб тўймасин,
У чаман чўл бўлур аёл бўлмаса.
Узоқда ястаниб тоғлар мудрайди,
Бола ўқсиб-ўқсиб кўкрак излайди,
Ҳаёт кула олмас, ҳаёт йиғлайди,
Бу дунё хор бўлар аёл бўлмаса,
Меҳрга зор бўлар аёл бўлмаса.

Аҳмад ЖАББОРОВ



ҚУВОНЧИМ, СОҒИНЧИМ

ЎЗИНГИЗ...

Оналар ҳаётнинг гули, чиройи,
Онасиз зулматдир қундузсим, туним.
Яшайман гох қулиб, гох гамли бироқ,
Онажон, сизсиз мен ким бўлар эдим?
Онажон, гохда ўйлаб қоламан,
Фарзандман-у, сизга не бера олдим?
Ширин сўзми ё бир оз меҳрми?
Саволлар ичра гох ёнғай бу қалбим.
Аслида ҳаётдир энг азиз неъмат,
Менга ҳаёт берган азиз онамсиз.
Виждоним, ғурурим, бахтим қояси,
Йймоним уйғотган кўнгли хонамсиз.
Сиз бўзлаб қолдингиз, кетдим мен олис,
Ййлар чархпалаги айланар ҳамон.
Хатто вақт топмаган бориб кўрмоққа,
Онажон, мен ўша қизингиз ёмон.
Бари ўз йўлига, сизни ўйласам,
Соғинчлар кўксимда уради тугён.
Данага-барчасидан кечиб бир лаҳза,
Учиб боргим келди она сиз томон.
Онажон, сўзларим бирам тошқин-ей,
Сиз ҳақда айтмоқ чун бир азиз калом.
Сиздан қарзим кўпдир уза олмасман,
Фақат сўзлар билан айлаб эҳтиром.
Онажон, қувончим, соғинчим сизсиз,
Ҳеч қайғу кўрмасдан юрингиз бекам.
Ахир дунё обод сиз билан она,
Мен сизга доимо қилурман таъзим.

Раъно РАБИМОВА

Навоий вилояти



ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

(Боши ўтган сонларда)

● Агар қаддингни шундай асрашни билолмаган бўлсанг, қурак суякларинг чиққанроқ бўлса, ҳечқиси йўқ, сочинг яхши бўлса, майда ёки иккита ўриб ташлаб ол. Айбинг беркилади.

● Бўйинингнинг ўта нозиклиги ва ё қулоқларингнинг шаклидан тортинсанг, сочингни иккита ўр — кам жойларингни тўлдириб туради.

● Қиз болалик ҳам эртақ бўлиб қоладиган бир давр, дунёдан армонда кетмаслик учун, сочларинг узун ва қалин бўлса, қунда бўлмаса ҳам, ора-орада иккита ёки майдалаб ташлаб юр, токи қўнғироқлари этакларингни ўпиб турсин! Токи ҳар силкинганда белларингга дарёлар тўлғонсин!

● Қизлар дўппи киймай кўйгандан бери бозорларда асл ироқи дўппилар сотилмай қолди. Ҳозирча, шу чеварларнинг борлигида, "қулинг ўргилсин" нусхаларидан буюртириб кий, бошингда Ўзбекистон ярақлаб кетсин! Миллатнинг бўлажак онаси сифатида "дўппи" деб аталган дурдонамизни фақат сахналарда қолаётганидан безовта бўл! Шу қадриятимизни болаларга сингдириб кетмасак, аёл сифатида миллатнинг ҳақиқа хиёнат қилган бўламиз! Оналикни эволюциядан бўламиз!

● Агар қош-қўзинг қуюқ бўлмаса, кўринишингдан қўнглинг тўлмай юрса, аммо сочинг яхши бўлса, гўзал қилиб ўрдир-да, дўппи кий, етмаган чиройингни ўша беради!

● Хуснинг тўксис бўлмай, унинг устига сочинг ҳам кам бўлса-чи? Ҳечқиси йўқ. Сочингни бироз шишириб, орақанга европача чиройли турмаклар, дўппи кийиб олсанг, ойдай бўласан! Тожикча зар дўппилар барчага, айниқса, бугдой юзларига бирдай ярашавермайди. Бизнинг ироқи дўппиларимиз чаман рангига бўлгани боис, ҳамма юзни очади.

● Менинг сочим узун эмас, белимдан эдию, аммо қалин эди. Ташлаб олсам, ўрими ёзилиб кетавергани учун дўппининг устидан чамбарак қилиб олардим. Ўша пайтдаги суратларимга қараб туриб, ҳавасларим келди...

● Андижонда қизлар келин бўлса, сепига ўнтагача дўппи солинар эди. Тошкентда эса энг катта ва гавҳум бозор дўппи бозори бўлар, қиз бола оти борки, дўппи тикшиши билар ва албатта, дўппилик юрарди. Ёши 25-30 га қириб қолган қизлар ҳам дўппи қиярди, дўппи турмушга чиқмаганликнинг белгиси эди.

● Болалигимдаги байрамларни эслайман, қизлар кўчаларни тўлдириб, турли-туман қўйлақларига дўппи рангларини мослаб кийиб ўтиб қолишса, уларга кўзи тушганининг юрагиде бодомлар гуллаб кетарди!

БИР БАХТИНГ — ҚЎЛИНГ!

(ёки юмуш адо этишда зеҳнинг аҳамияти хусусида)

Ўнта бармоқинг кечаси-ю кундузи хизматингга тайёр ўнта дастёрингдир! Дарвоқе, "дастёр" сўзининг "даст" қисми "қўл" дегани, бундан чиқди, қўлинг ёрингдир! Демак, қўлинг ҳалоскорингдир! Фаровон яшаш учун мана шу имкониятнинг ўзи етади. Бу бармоқлар билан тош устида гул ундириш мумкин, дастурхонга ризқ тўлдириш мумкин. Қўлмурувват! Қўл-меҳ! Қўл-мўъжиза, қўл-сеҳр! Шу бармоқлар ила бу ёруғ дунёни дутор қилиб чалса бўлади!

Қизойим, аёл ўзининг бекиёс, беандоза аёллик салтанатини мана шу қўллари билан бунёд этади ва асраб туради!

(Давоми бор)

Турсуной СОДИКОВА

Ёшим 20 да. Менинг ёшимда кизлар орзулар оламида яшашади. Оқ от миниб келадиган ўз шахзодаларини ажиб бир ҳавас билан кутишди. Келажақда ўзларини бахтли ҳаёт кутишига ишонишади. Мен-чи? Вояга етиб, эс-хушимни йиғиб ола бошлаганимдан бери қал-

якшанба кунларини кўпинча қишлоқда, онамнинг онасиникида ўтказардим. Бувимнинг катта соя-салқин ҳовлиларида ёз кунлари кўнчилиқ йиғилардим. Шундай кунларнинг бирида онамнинг мендан тўрт ёш катта ўқиси — тоғам мени ҳовлида ўйнашга чақирди. Бордим. Уйдагилар ўз ишла-

бўлмади. Ҳозир оилали, болачақали. Бир вақтлари мени кўрkitиб жазодан кўтиди. Энди эса... Ҳар бир қабих ишнинг жазоси бўлганидек, тоғам ҳам бир кун жазосини олар. Лекин, ундан менга нима фойда. Менинг дардим тўзалиб қолмайдик-ку. Ҳозир менга яхши жойлардан совчилар келишяпти. Ота-онам бирортасини танлашимни, орзу-ҳавас билан тўйимни кўришни иста-шяпти. Мен ҳаммага рад жа-вобимни беришимдан улар хафа бўлишяпти. Ўзимнинг ҳам дилим вайрон. Ажойиб йиғилардан бирортасини тан-лаб, бахтиёр бўлишим, ота-онамни ҳам хурсанд қилишим мумкин эди-ку.

Лекин қандай қилиб бировни алдайман? Не орзу-умидда менга уйланмоқчи бўлган дили

ри билан банд эдилар. Биз олдинга одат-дагидек яхши-гина гаплашиб, уйнаб ўтирдик. Бир пайт тоғам менга ёпишиб, зўрлик қила

бошлади. Мен йиғлаб, баки-риб, қанча дод-вой солмай ҳеч ким эшитмади.

пок бир инсонни нима деб ал-дайман? Қайси юз билан бировнинг табаррук хонадонига кириб бораман? Шундай қили-шим учун мен ўз виждонимни сотишим керак. У ҳолда виждонсиз қан-дай яшайман?

Сурхондарё вилоятдан МУХЛИСА

Уни эса менга раҳми кел-май... Сўнг ҳеч кимга айтмас-лигимни таъкидлаб кўрkitди. Мен ундан кўрkitиб бу ҳақда ҳеч кимга айтмадим. Шунга ҳам 12 йил бўлди. Бу воқеадан сўнг тоғамни кўришга кўзим

Бу хатни ўқиб дилда муаллифга нисбатан ҳурмат уйғонди. Гарчи йиллар давомида қалби эзилб, қадри букилиб янаган бўлса-да, энг ажойиб инсоний фазилатларини асрай олган. Дил тоза-лиги, имон, андиша, виждон софлиги ҳар кимда ҳам бўлавермай-ди. Шу фазилатларнинг ўзи қизнинг ҳалоллигини, яхши инсон эканлигини кўрсатиб турибди. Бир вақтлари қабих иш учун қонун олдига оғир жазога маҳкум этилиши мумкин бўлган инсон гарчи шундай жазодан қутулиб қолган бўлса-да, тақдирнинг жазоси-дан, қолаверса Оллоҳнинг қарғишидан ҳеч қачон қутулмайдик.

Ҳаёт давом этиляпти. Қиз эса эндишани унинг асосий бўлагига қадам қўяпти. Қалбини эзиб келатган дардни узиб таш-лаш, унуттиш учун, ҳа деб қуловермасдан ўз ақлиларига, ота-онага ёки бирор-бир яқинларига айтиб, маслаҳат ола меҳмача ёмон бўлмасди. Сўнгра "бахтли ҳаёт" дегани бу фақат эрга тегиб, оила қуришига эмас, балки кесел мағнода ота-она, ака-ука, опа-сингилларнинг борлиги, оила осудалиги, касб-хунар ўр-ганиб, жамиятда ўз ўрнини топиш, эл-юртга хизмат қилиш экан-лиги ҳамдир. Қолаверса, тинч, осуда она юртимизда яшашнинг ўзи ҳам катта бахт-ку.

Азиз газетхонлар, сиз бу қизимизга нима деган бўлардингиз. Лола АХМЕДОВА

ВИЖДОНСИЗ



ҚАНДАЙ ЯШАЙМАН?

бимни эзувчи бир дард билан яшайман. Четдан қара-ганда ўзига тўх, тинч-тоту-гина, ҳамма ҳавас қилса ар-зийдиган оиланинг ҳеч нар-садан камчилиги йўқ, эрқа-той фарзандиман. Лекин, ас-лида-чи? Ичимдаги дардим-ни ўзим ва Оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Болали-гимда содир бўлган мудҳиш бир воқеа туфайли қалбим эгилди. Дардимни ҳеч ким-га, ҳатто энг яқиним — она-жонимга ҳам айтмадим. Йиллар ўтди. Ҳамма энтикиб эслайдиган болалигимни мен дард билан, кўрkitинчи бир тушни эслагандай эс-лайман. Қани эди, туш бўлса. Минг афсуски, қанчалик ўзим-ни алдамай бу ҳақиқат. Ўша мудҳиш воқеа шундай бўлган эди:

Мен 8 ёшларга тўлганимда дадамни хизмат вазифала-ри бўйича шаҳарга ишга кўчиришди. Ҳаммамиз дадам билан шаҳарга кўчиб ўтдик. Шаҳар қишлоғимизга яқин бўлганлиги сабабли шанба,

ТАНАЛАРИНИНГ ҲАҚИҚАТИГА МУНОСИБ БЎЛДИН

Мен уч йил аввал бир йигит билан танишганим. Бир-биримизни ёқтирадик. Буни акам эшитиб қорилиб жаҳли чиқди. Лекин биз барибир гап-лашардик. Бир кун ишга гаплашган йигитим — О.дан менга совчи келди. Бирок да-дам жаҳл билан совчиларни рад этдилар. Мени эса сев-гимиз ҳақида онамга айтиш-дан бошқа чорам қолмади. Лекин бу гапдан хабар топган дадамдан калтак ҳам едим. Бунга эса мен кўнгли кўйган О.нинг ҳеч бир машғулотини йўқлиги сабаб эди. Чунки О. ҳеч қаерда ўқимасди, ишла-масди. Дадам эса мени ўқиган, касб-хунари, бир иш-нинг бошини тутган йигитга беришни истарди. Шунда О. менга ўқишга киришга ваъда берди. У чиндан ҳам каттик тайёрланиб Техника универ-ситетига ўқишга кирди. Икки-миш ҳам жуда қувондик. Чун-ки дадам энди рози бўлиши мумкин эди-да. Бу орада мен ўқишни битириб ишлай бош-ладим. Лекин бир кун дуго-намдан О.нинг ўқишдан қай-далганини эшитдим. Буни

эшитиб, дарҳол О.га кўнғирок қилдим. Лекин у ҳайдалганини тан олмади. Кўнглим эса гаш бўлаверди. Кейин ўзим суриш-тирдим. Ўқишдан ҳайдалганин рост экан. О.нинг қасам ичиб айтган сўзлари ёлгонлиги учун роса йиғладим. О.га: "Ўқиш-нигизни тиклаб олмагунча, ол-димга келманг",-дедим. Унинг қилишлари мени эзарди. Ахир у ҳозирдан менга ёлгон га-пирса, кейинчалик нима бўла-ди, деб ўйлардим. Шундай кун-ларнинг бирида ишхонамга С. исмли синфдошим келиб қол-ди. У билан анча гаплашиб ўтирдик. С. ўқишни битирган, яхши жойда ишлайди, ота-она-си ҳам обрўли инсонлар. Онамга С. ҳақида гапирганим-да хурсанд бўлдилар. "Даданг С.га рози бўлади, чунки бизга унга ўхшаб ҳаётда ўз ўрнини топган йигитлар маъқул",-деди. С.га ҳам ўрганиб қолдим. Ле-кин О. хали ҳам ўқишни тик-лагани йўқ. Бир ишга кирай де-майди. С. эса менга уйланиш умидида юрибди, орзулари катта.

Мен бўлсам нима қилишим-ни ҳам билмайман. Эҳтимол

ота-онамнинг гапига кириб С.га турмушга чиқишим керак-микан? Бир маслаҳат беринг.

Тошкент

Сингалжон! Мана, биргалашиб мактубингизни ҳам ўқиб чиқдик. Ёшлиқ эса ўзининг ана шундай муаммолари билан ҳам барибир дўзал. Биздан маслаҳат сўра-ганингиз учун раҳмат. Аммо сиз билган икки йигитни ёнма-ён қўйганда балки О. кўрkitармоқдир. Ўзингиз ҳам улар орасидаги фарқнинг гувоҳисиз. Бири уйлан-гач, рўзгорни элаб кетади, ик-кинчиси эса... У ҳақида қачон ўқишни битиради, қачон ишга кирида? Қизини яхши жойларга ухатиб унинг келажақ ҳаётидан хотиржам бўлишни қайси ота-она истамайди дейсиз.

Шунинг учун ота-онангиз на-сиҳат қилса, тақдирингизни ўйласа, кулоқ солинг. Яхши на-сиҳатларига аман қилинг. Чун-ки кейинчалик бахтсиз бўлиб қолсангиз ҳам улар кўпроқ ку-йиб-ёнади, шундай эмасми? Мухлисларимиз орасида қиз узатган оналар кўп. Улар сиз-нинг мактубингизни ўқиб қан-дай фикр билдиришаркан? БАСИРА тайёрлади

СОВЧИ КУТГАН ЙИГИТ

Яқин бир ойнинг нари-берисида ойнаи жаҳондан "шунчаки ҳазил" йўналишида бир кўрсатув берил-ганди. Унда қуд-андачилик тамо-йили тасвирланиб... қиз эмас, ак-синча йигит қизнинг уйига "туша-ди"! Жуда жонли, мароқли, дам олиш кўрсатуви эди. Аммо «қоса-нинг тағида нимкоса»си бўлади деганларидек, ҳар қандай ҳазил замирида ҳақиқат ҳам яширин. Зеро, қиз-жувонларимиз орасида "эркакшода" феъллилари қадим-қадимдан бўлган ва ҳозир ҳам жуда кўп-ла топилди. Шу баробарида эр-йигитларимиз ичида «ҳалимта-биатли»лари ҳам анча-мунча уч-райди. Шунингдек, қадр-қиммат ва гурур билан "ўзини тарозига со-лиш" тушунчалари фарқиға етмов-чилар ҳам гоҳ-гоҳ учраб қолади.

Кўлимдаги мактубни қайта-қай-та ўқидим. Сурайё исмли сингли-миз шундай ёзбди:

"У бола жуда чиройли... Бал-ки ортидан кўп кизлар югурга-нигами: "Мен уй-ланадиган киз менга совчи қўй-ши керак!" дейди. Бу ҳазил эмас, бунга дўстлари ҳам би-лишади. Қандай бўлишдан қатъи назар, ким совчи қўйса, ўшан-га уйланар эмиш. Балки чирой-идан гурурланар? Аммо не бўлганда ҳам мен унга бефарқ эмасман, уни яхши кўраман. Лекин совчи қўя олмаيمان. Ун-дан сўнг бу ҳолатни ота-онам,

яқинларимга қандай қилиб ту-шунтираман? Ахир киз бола-нинг йигит уйига совчи йўлла-ши уят эмасми? Бироқ сева-ман, нима қилай?"

Бу масалада камина-халис! Не-гаки, хоҳ қиздир, хоҳ йигитдир - эркин фўқаро! Шу боисдан ҳам талаб ё истак билдиришга ҳақли! Аммо биз юқорида эслатиб ўтган "ўзини тарозига солиш" тушун-часи билан "эркин фикрлилик" тамайланини ҳам ажратиб би-лиш зарур. Қолаверса, ҳаётда ёзил-маган қонунлар ҳам борки, унинг ажралмас бир бўлаги аждодлар анъанасига, миллий урф-одат-ларга ва қадриятларга бориб та-қалади. Ва бу анъаналар олдида бир шахснинг чиройи ҳам, гуру-ри ҳам ҳеч нарсас эмас.

Сурайёхоннинг мактубига ками-на - халис, деб айтдим. Лекин бу - минг йиллар ошиб бизгача етиб келган ва мерос қоладиган анъ-ана - одатларимизга бефарқман, деганим эмас. Азал-азалдан сов-чини қиз томон кутган, келин эса узатилиб борилган! Агар совчи куттиш йигит томонга ўтса, демак қолган таомиллар ҳам алмашини-ши - қув узатиб, қув чорланиб бориши керакмикан?.. Бу бора-да хурматли муштарийларимиз ҳам ўз мулоҳазаларини билди-ришларини, айтмишса, кўпни қўрган онахону отахонларимиз ўз фикрларини йўллашлари истар эдик.

ВИСОЛИНГИЗ ПАСИБ ЭТМАСА-ДА...

"Ҳаётимнинг мазмуни бўлган севгилим Гулзода! Яна қўлимга қалам олиб, сизга мактуб йўллайман. Ўзингизга айтган сўзларимнинг интиҳоси бу. Гул-зода! Бу дунёни бири кам, де-ганлари рост экан. Сизни чин қалбимдан севсаму, сизсиз яшай олмаслигимни билсаму, висолингизга етиша олмасам... Менинг оилам борлигини ва умр йўлдошимнинг қийналишини билиб, унинг бахтсиз бўлиб қолишига йўл қўймаслик учун сиз ўз бахтингиздан воз кечди-нгиз. Сиз мусаффо осмон каби боқирасиз, бунга шубҳам йўқ!

Гулзода! Бир умр сизнинг ха-ёлингиз билан яшашим аниқ! Сиз мени, мен сизни севган-дан ҳам ортиқроқ севингизни билсаман, лекин менинг ра-фикам ва ўғлим ҳаққи-хурма-ти, севгингизни пинҳон тутас-ти. Мана шу инсоний мурув-ватингизни қадрлайман ва сизга миннатдорчилик билди-раман. Майли, висолингизга етиш насиб қилмаса-да, мен сизни бир умрга кечалари ой-дан, кундузлари қўшдан қиз-ганавераман, Гулзодам!

О. К.

Андижон шаҳри

Ушбу мактубни ўқидиму Паҳлавон Маҳмуд рубоётидан шу сатрлар ёдимга келди:

"Гар тарк этолмасам сени, маъзурман,

Сен — жонсан, кечмоққа жасорат етмас!"

Бу шунчаки хат эмас, бу қисмат! Айни чоғда ҳаётини ҳақиқат ҳам. Шу баро-баридо "Оила ва жамият" таҳририя-тига келатган ҳамда "Оилаи одам-лар севгиси билан боғлиқ" бошқа мак-тублардан буткул фарқ қилувчи дил из-ҳори бу!

Мен ақидани бир муаллиф ҳамкасбим-нинг қарийб қирқ варақли қўлёзмасини ўқидим. Ҳеч нарсаси тушуна олмадим. На дард, на қўлашган мақсад бор эди. Аммо, юқоридаги бир неча сатрлик мактубда эса, мен дард тўла юракни кўрандек бўладим. Ҳаёлимдан бир ўй кечгандек бўлди:

"Ошиқ йигит-ку ўз дардини қоғозга тўкиб, енгил тортгандир. Аммо ошиқ-дан-да ортиқроқ муҳаббат соҳибаси — Гулзоданинг ҳоли не кечатган экан?"

Баъзан айтдилар, ёздилар: "Қаттиқ севганим бос унинг олаеси (ёки ўз оилам) ҳам қўзимга кўринмади!" Ахир,

қимнингдир бахтсизлигидан пойдевор қўйиб, наҳотки ўз бахт қасрини қуриш мумкин бўлса? Ҳеч қачон! Айнан шун-дай ўй билан йўл тутувчиларга, та-бир жониз бўлса, ушбу мактуб муалли-фи ва унинг севгилиси Гулзоданинг қўшлмаган тақдирлари, ишқий кечин-малари ҳақиқий ибратдир! Мен бир вақтлар ана шундай айрилиқ ҳақида бир шеър ёзгандим. Ҳулоса ўрнида ўша шеъримни келтирмоқчиман:

Қилинган ўтинчлар зое кетдилар,
Ибодатлар қолди бўлмай ижоват.
Эттиқ термушлар буткул битдилар,
Умидвор кўзларга қўқиди надомат.
"Яхши бор!"- дедую титради лаблар,
Музга қўшмигандек бузувди тош қотди.
"Яхши қол!"-деганда титради қалблар,
Туқилмай - армонга қўшиб ёш қотди...
Тақдирлар бўлиди, тоғеъ эгмай бўй,
Қолди иккимизга бир умр фақат:
"Меники бўлсайдинг!"- деган ширин ўй,
Ва

"Бўлолмадинг!"-деган аччиқ ҳақиқат!
Дилмурод САЙИД журналист
Тошкент шаҳри

ДУШАНБА 11

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

Телеомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба 11 март кунини "Ўзбекистон-1" телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилди.

15.00 «Олтин тож». Телевизион ўйини.

15.30 «Туртинчи ҳафта». 15.50 «Ошани». Телевизиал.

16.00 17.10 ТВ-анонс.

16.25 Ўзбекистон телерадиоканалининг эстрада симфоник оркестрининг концерти.

16.50 «Рангин дунё».

17.15 Футбол бўлими Ўзбекистон ҲЧ чемпионати. «Наср» (Қарши) - «Металлург» (Беканбад).

18.00 ЯНГИЛИКЛАР

18.10 «Хамма гап шилпада». Мультифилм.

18.25 «Мулк».

18.45 «Бахтли воқеа». Телевизиал.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эрталаблари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Солиқ ва биз». 5-кўрсатув.

21.20 Ўзбекистон халқ артистлари.

21.45 «Спорт, спорт, спорт».

22.00 2002 йил - қарияларнинг қадришлар йили. «Парисси бор уй».

22.30 «23.5 даражали бурчак остида». Телевизиал премьераси. 73-қисм.

22.55 «Ахборот - даъжест».

23.15-23.20 Ватан тилмолари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр тоғи.

10.00 «Янги авлод» студияси: Уй вазиёси.

СЕШАНБА 12

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00 8.35 «Ахборот».

8.35 Газеталар шарҳи.

8.55 «Камалак». Болалар ўқини кинодастур.

9.30 «Сизга таъзим». Шеррий композиция.

9.40 «Соглом она - соглом бола».

10.00 10.20, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР

10.05 «Мулк».

10.25 ТВ метео.

10.30 «Туртинчи доирадаги бир кеча». Бадий филм.

11.40 ТВ клип.

11.50 Биржа ва банк хабарлари.

12.05 «Кино оламиди».

12.25 «Қўйди, ёшлим».

12.50 «Парисси бор уй».

13.20 «Спорт, спорт, спорт».

13.35 «23.5 даражали бурчак остида». Телевизиал.

73-қисм.

14.10 «Қишлоқ ҳайоти».

14.30, 16.05 ТВ-анонс.

14.35 Кундузги санас: «Довжар Хонбара ҳақида ривоят». Бадий филм.

16.10 Ўзбекистон халқ артистлари.

16.35 «Бу ажиб фасл». Телеламанах.

17.00 «Ватанимга хизмат қилганим».

18.10 «Мингйиллар оила».

18.30 «Баркамол авлод орзу».

18.45 «Йилон ва қонун».

19.00 «Бир жуфт қўшқар».

19.10 «Тадрилот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 ЭЪЛОНЛАР

21.45 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эрталаблари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Солиқ ва биз». 6-кўрсатув.

21.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.

21.45 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба: «Ошани». Телевизиал премьераси.

22.00 «Муваззат».

22.45 «Ахборот - даъжест».

23.05-23.10 Ватан тилмолари.

10.20 Мультифилм.

10.40 Ўқшанида қўриғунча.

10.55 Ватан ҳақида қўшқар.

11.00 «Давр-хафта» ичиди.

11.30 Жаҳон жуғрофияси.

12.20 Давр-пелмс.

12.40 Ўлмас Умарбеков «Фотима ва Зухра». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.

13.55 Спорт ҳафтаномаси.

14.10 «Фотима ва Зухра». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.

15.05 «Қўто командасининг суи ости саргузаштлари». Телевизиал.

15.55 «Озод қўрт фарзандлари». Видеофилм.

16.10 «Мени сизин севардим». Бадий филм.

17.35 Кўрсатувлар дастури.

17.40 «Янги авлод» почтаси: Билангон маслаҳати.

18.10 «Роки ва унинг дўстлари». Мультифилм. 1-қисм.

18.25 Муқимий бурси.

18.45 Оқшом навалари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс.

19.35 Иқтисод-пелмс.

19.40 «Итириб». Видеофилм.

20.15 Ёшлар навалари.

20.30 Ёшлар овози.

20.50, 21.20, 22.30 ЭЪЛОНЛАР

20.55 «Эсмералда». Телевизиал.

21.25 Ватан ҳақида қўшқар.

21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.35 ТВ-анонс.

22.40 «Муҳаббат қаҳаси». Телевизиал.

23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Таннафуш пайтида.

23.50 «Давр». Ахборот дастури.

00.55-1.00 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 Болаларнинг экранлари.

«Этик кийган мушук». «Том ва Жерри». Мультифилмлар.

18.05 «Халқ саломатлиги йўлида».

18.25, 20.00, 21.25, 22.25 «Пошта». Ахборот дастури.

18.45 ТТВДа сериал: «Селестия, хамма Селестия».

19.10 «Суи ости экспедицияси». Хужжатли филм.

19.35, 21.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.

19.50 «Авто-пелмс».

20.25 ТТВДа сериал: «Бибилка пул».

21.45 «Мусиқий меҳмонхона».

22.50 Киноингоҳ. «Чарли тубрадан салом».

20.35 «Теле-хамкор», фойдали газета

21.00 «Спокойной ночи, малыш»!

21.20 «Ошикона», мусиқий дастури

21.30 «Киновечер на 30-м: «Қулақ қўйиш» мелодрама

23.15 «Скорая помошь» телевизиал

00.00 Спорт в полночь

«ХАЛКАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

7.30 - 9.00

17.00 Кўрсатувлар тартиби.

17.05 «Вести».

17.25 «Терговни билмиданлар олиб боради». Сериал.

18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.25 М. Евдокимов ҳузурида меконда.

19.00 «Мени кутти!».

20.00 «Томошабинларга қарши». Телевизиал.

21.00 Время

УзТВ-IV

21.35 «Калб қанотлари». Сериал.

22.20 «ТВ-Да Немис тўлиқни».

22.40 Киноматограф. «Турфун». Бадий филм.

00.05 «Ахборот» (рус тилида)

00.35 «Тунингиз осуда бўлисин»!

16.55 - гана профилактика ишлари

17.00 - Дастурнинг очилиши

17.05 - Документалное кино на 30-м: «Человек и море»

17.45 - «Теле-хамкор», фойдали газета

18.05 - «Петербургские тайны», телесериал

18.10 - Киновечер на 30-м: «Небо в алмазах», боевик

20.35 - «Теле-хамкор», фойдали газета

21.00 - «Спокойной ночи, малыш»!

21.20 - «Ошикона», мусиқий дастури

21.30 - Киновечер на 30-м: «Пришельцы: коридоры времени», комедия

23.15 - «Скорая помошь» телевизиал

00.00 Спорт в полночь

«ХАЛКАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

7.30-9.00

17.00 Кўрсатувлар тартиби.

17.05 «Вести».

17.25 «Терговни билмиданлар олиб боради». Сериал.

18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.25 Е. Петросянин Кулги панорамаси.

18.55 «Муҳаббат замини». Сериал.

20.00 «Заиф бўгин». Шоу ўйини.

21.00 «Время».

21.35 «Калб қанотлари». Сериал.

22.20 «АЯТ» каталог.

22.40 «Ганновер стрит». Бадий филм.

00.10 «Ахборот» (рус тилида)

00.40 «Тунингиз осуда бўлисин»!

«ХАЛКАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

7.30-9.00

17.00 Кўрсатувлар тартиби.

17.05 «Вести».

17.25 «Терговни билмиданлар олиб боради». Сериал.

18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.25 Е. Петросянин Кулги панорамаси.

18.55 «Муҳаббат замини». Сериал.

20.00 «Заиф бўгин». Шоу ўйини.

21.00 «Время».

21.35 «Калб қанотлари». Сериал.

22.20 «АЯТ» каталог.

22.40 «Ганновер стрит». Бадий филм.

00.10 «Ахборот» (рус тилида)

00.40 «Тунингиз осуда бўлисин»!

«ХАЛКАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

7.30-9.00

17.00 Кўрсатувлар тартиби.

17.05 «Вести».

17.25 «Терговни билмиданлар олиб боради». Сериал.

18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.25 Е. Петросянин Кулги панорамаси.

18.55 «Муҳаббат замини». Сериал.

20.00 «Заиф бўгин». Шоу ўйини.

21.00 «Время».

21.35 «Калб қанотлари». Сериал.

22.20 «АЯТ» каталог.

22.40 «Ганновер стрит». Бадий филм.

00.10 «Ахборот» (рус тилида)

00.40 «Тунингиз осуда бўлисин»!

6.25 ВЕСТИ - СПОРТ

6.30 СЕМЕЙНЫЕ НОВОСТИ

7.10 «Национальный доход»

7.15 «Хроника»

8.10 «Селеста, всегда Селеста». Телевизиал

8.45 СЕМЕЙНЫЕ НОВОСТИ

9.00 Телевизиал «Остров фантазий»

10.20 «Санта-Барбара». Телевизиал

11.05 ВЕСТИ НЕДЕЛИ

12.00 «Что хочет женщина»

12.30 «Приключения Папируса»

13.20 ВЕСТИ-СПОРТ

13.25 «Крылья любви». Телевизиал

14.20 «Дикой ангел». Телевизиал

15.20 «FM и ребята». Молодежный сериал

16.20 Фильм «Чужие здесь не ходят»

17.50 «Комиссар Рекс». Телевизиал

18.50 «Спокойной ночи, малыш».

19.55 Телевизиал «Трое против всех»

20.50 Детектив «Пятеро Агаты Кристи Исчезновение госпожи Давенхайм»

22.00 ВЕСТИ-ПОДРОБНОСТИ

22.45 Фильм «Авария - дочь мента»

6.00 Телеканал «Доброе утро»

9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Новости

9.15 «Земля любви». Сериал

10.10 Документальный детектив. «Алмазная цепь. Дело 2001»

10.45 Полное Чудес. Праздничный выпуск

11.40 Ералаш

11.50 Библиомания

12.15 Игровое шоу «Слабое звено»

13.10 Фильм «Подари мне лунный свет»

15.15 Фильм «Голубая стрела»

17.00 Большая стирка

18.25 «С легким паром!»

19.00 «Жди меня»

20.00 «Народ против». Телеигра

21.00, 23.30 Время

21.35 «Убойная сила-2: Дачный сезон»

22.45 Фильм «Американская трагедия: Наши»

23.50 «Наш футбол» с Виктором Гусевым

24.20 «Ночная смена»

4.50 - 8.00 УТРО НА РТР

4.50, 5.50, 6.50, 7.50, 19.35, 22.20 ВЕСТИ-МОСКВА

5.00, 6.00, 7.00, 8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 ВЕСТИ

5.10 «Православный календарь»

5.15 СЕМЕЙНЫЕ НОВОСТИ

5.25, 9.50, 22.30 «Дежурная смена»

5.30 АФИША

5.40, 6.40, 7.30 «Дорожный патруль»

6.10, 7.40, 8.50 «Экспертиза за РТР»

6.20 «Национальный доход»

5.15, 6.30, 8.45 СЕМЕЙНЫЕ НОВОСТИ

5.25, 7.15, 9.50 «Дежурная смена»

5.30 АФИША

5.40, 7.30 «Дорожный патруль»

6.10, 8.50 «Экспертиза РТР»

6.20 «Национальный доход»

6.25, 13.20 ВЕСТИ - СПОРТ

6.40 «Гость в студии». Пролог

7.10 «Национальный доход»

7.40 «Гость в студии». Пролог

8.10 «Селеста, всегда Селеста».

8.45 Телевизиал «Остров фантазий»

9.00 Телевизиал «Остров фантазий»

10.20 «Санта-Барбара». Телевизиал

11.05 «Вокруг света»

12.00 «Что хочет женщина»

12.30 «Приключения Папируса»

13.25 «Крылья любви». Телевизиал

14.20 «Дикой ангел». Телевизиал

15.20 «Простые истины»

15.50 Телевизиал «Люд и тени»

16.20 Фильм «Комиссариат Рекс»

17.50 «Комиссар Рекс». Телевизиал

18.50 «Спокойной ночи, малыш».

19.55 Телевизиал «Трое против всех»

20.50 Телевизиал «Люд и тени»

22.30 «Театр+ТВ». «Мой друг Григорий Горин»

07.00, 08.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00, 00.00 «СЕГОДНЯ»

07.15, 8.10 «УТРО НА НТВ»

8.15, 6.30, 8.45 СЕМЕЙНЫЕ НОВОСТИ

5.25, 7.15, 9.50 «Дежурная смена»

5.30 АФИША

5.40, 7.30 «Дорожный патруль»

6.10, 8.50 «Экспертиза РТР»

6.20 «Национальный доход»

6.25, 13.20 ВЕСТИ - СПОРТ

6.40 «Гость в студии». Пролог

7.10 «Национальный доход»

7.40 «Гость в студии». Пролог

8.10 «Селеста, всегда Селеста».

8.45 Телевизиал «Остров фантазий»

9.00 Телевизиал «Остров фантазий»

10.20 «Санта-Барбара». Телевизиал

11.05 «Вокруг света»

12.00 «Что хочет женщина»

12.30 «Приключения Папируса»

13.25 «Крылья любви». Телевизиал

14.20 «Дикой ангел». Телевизиал

15.20 «Простые истины»

15.50 Телевизиал «Люд и тени»

16.20 Фильм «Комиссариат Рекс»

17.50 «Комиссар Рекс». Телевизиал

18.50 «Спокойной ночи, малыш».

19.55 Телевизиал «Трое против всех»
Ха, ҳақиқатан ҳам, аёлларга шойрона қўйилган "Ҳазрати аёл" номига муносиб минглаб аёллар ўзларининг бағри кенглиги-ю, қалби дарёлиги, барчага бирдек меҳрибонлиги, заҳматқашлиги, керагида "тош келса кемираб, сув келса симириб" ҳаёт сўқмоқларидан мардона ўта олиши, фарзандлар қамоли-жамолини ўйлаб, эрининг зарбаларига, уй ичида-гилар (қайнона-қайнота, қайнага-чилар)нинг зугумларига дош бериб, атрофдагиларни лол қолдириб яшамоқда.

Улар ўрни келганда ожиза... Лекин бу ожизалик (эр, қайнона-қайнота, иш жойидагилар, раҳбарлари, кексаларга нисбатан паст келиш) унинг ҳуснига-хусн қўшади, сеvimли қилади, айни чоқда бахтини яратади.

Айниқса, аёллар тилидаги ожизалик (бир гапдан қолиб рақиб томонига ён босиш) ҳаётини муаммага учрамасликини таъминлайди, уни дилчираликлардан озод қилади, боши берк кўчадан тўғри, раво йўлга йўллайди. Шундай аёллар умр бўйи бахт оғушида яшайди. Улардан ён-атрофдагилар

оройиш олса, сеvimлилик сирини ўқиса қандай яхши!

Лекин ўзингиз ўйланган, бир қизчангиз бўлгани ҳолда ахли аёлингиздан айри тушганингизни ошкор этибсиз, унинг сабаби ҳақида "лом-мим" демабсиз.

Эндиликда ҳаёт тажрибалари туфайли ўзингизни тарбиялаганингизни ва ўз ҳаётингизни қайтадан бошлашга қатъий қарор қилганига баён этибсиз. Бир ўринда "қурмаксимон" аёлларнинг борлигига ачинибсиз. Ёмон аёл сизингча қурмаксимон саналса, бундай эркаклар тоқсимонми? Тош тинг синдиргани сингари шундай эркаклар аёл ҳаётини кемиради, ғамга чулғайди, шундай эмасми?

Ўзи фикрларингиздан баъмани эр эканлигингиз анқиб турибдию, лекин қизалоғингиз тақдирини ажрашгандан сўнг изтироб билан тилга олишингиз ажабланарли. Айтгандай, аёлингизнинг айбларини четлаб ўтмай, хатга солсангиз яхши эди, токи жамиятимиздаги бошқа аёллар бундай қилмасмиди? "Бир ёмонга бир яхши", деганларидек ёстидошнингиз ёмонлигини тўғрилашга ҳаракат қилсангиз асакангиз кетармиди? Арзигулик сабаб бўлмагани ҳолда маъзагани унинг устига ағдариб, қизалоғингизни тирик етим қилиб қўйиб, яна жамиятимизда "етим болалар", "Меҳрибонлик уйлари" иборалари пайдо бўлаётганидан ўқинсангиз-а, йигит? Ахир, етимлар сонини яна биттага қўпайтириб қўйиб, ачинганингизга ўлайми? Ўйлайсизки, яна бошқасига ўйлансангиз ҳаётингиз "тинч оқар сувдек" ўтадимми, асло йўқ, сиз айт-

ган бахтни эр-хотин қўш-қўллаб қўлга киритиши керак.

Аёл матонатини янада мустаҳкамлашга эрлар ҳам ширин муомалалари, уларни асраб-авайлашлари, садоқатига яраша муруват қайтариш билан ёндашсалар қўйди-чиқилар мутлақо йўқ бўлармиди! Бизнингча, оиланинг устуни бўлган эркак аёлингиз буюк ва мукаррам бўлишида унга тиргак бўларли хатти-ҳаракатлар қилса, нур устига ало нур бўларди! Тўғри, сиз айтгандай: «Мухит, теваврак атрофдагиларнинг, энг муҳими нотўғри тарбиянинг таъсири, айрим аёлларни ҳам, эркакларни ҳам диндан, диёнатдан чиқаради...»

Рўномамиз "Оила ва жамият" ана шундай аёллар ёки эркакларнинг чакки қадам олишини қоралаш, уларга порлоқ йўл кўрсатиш билан банд. Қанийди, ушбу "Қарияларни қадрлаш йилида" элимиздаги қарияларимизга ҳар бир оила ўз қайнота ва қайночаларига, эр-хотин ўрталаридаги низоларни йўқотиб, бахтга лиммо-лим ҳаётларини совға қилишса. Юракларни ўртовчи низолар барҳам топса, юрти-мизда "Меҳрибонлик уйлари" йўқолармиди?

Қариялар нөмидан дуога қўл очиб, илоҳим шундай бўлсин, дей-миз:

**Барча мушкулотни
енгувчи ўзинг,
Ижобат айлагил дуоларимиз.
Мўъжиза яратур сенинг
хар сўзинг,
Элга элтгин муддаоларимиз.**

Афифа ҲАСАН қизи

МУҲАББАТ ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

О табекжон, мана сиз 20 ёшда экансиз. Сиз мушкул ҳаётга энди қадам ташлаб, унинг пасту-баландига, тўсиқу ташвишларига ҳали кўп дуч келасиз. Лекин уларни ақл-заковат, сабр-тоқат билан енгсангиз, интилган мақсад ва орзуларингизга албатта эришасиз. Сиз севган ўша қиз, сизнинг муҳаббатингизга лойиқ эмас. Балки уни муҳаббат уюли уришини билмас. Муҳаббат ўйинчоқ эмас. Уни ҳис қила олган, уни тушуна олган кишигина бундай бахтга сазовор бўлади. Сизга оддийгина ҳаётини бир мисол тариқасида тушунтиришмоқчиман: Сиз Н.ни кечириб муносабатларингизни тиклаб, у билан турмуш ҳам қурдингиз дейлик. Рўзгор ғор дейдилар, албатта у бекаму кўст бўлмайди. Ҳозир сизни 2 ойга ўзгага алмаштирган қиз, сизга бир умрга қўмақдош-у, елкадош бўла олармикан?

**«Уни кечириб
мумкинми?» — 41-сон**

Сиз ҳеч ҳам бу борада шўшилманг. Муҳаббатингиз паймол бўлган вақтда сиз қанча қийналгансиз, лекин бу сафар мардона туринг. Сиз ҳам йигитсиз, сизнинг ҳам иззат нафсингиз бор. Севгингизга лойиқ, лафозли кизга албатта дуч келасиз ва бахтингизни топасиз. Лекин бу хотиралар ҳеч ҳам юракдан сўнмаса керак.

Азизим Н. га ўхшаш қизларга айтмоқчиман. Бировнинг қалбига дарз етказиб, бир умрга шикаста қилманг. Сизларнинг оддийгина қўринган қилмишларингиз бировлар ҳаётини остун-устун қилиб ташлаши мумкин. Севиш сева билганларга, севгини фақат қадрлаганларга насиб қилсин.

ОТАБЕК

ГУЛҲУМОР

Бухоро

О табек, сизнинг дил изхорингизни ўқиб, фикримни ёза бошлаганимда, институтимизда таҳсил олувчи бир йигит мен ўтирган кутубхонага кириб қолди. Сиз билан бир хил ёшдаги талаба бўлганимиз ва ўғил боланинг фикрини эшитмоқчи бўлганлигим учун, газетадаги мактубингизни унга ҳам ўқитдим. Охириги жумлани ўқиб бўлди-да, менга қараб: "Бир марта алдадимни, иккинчи марта ҳам алдайди", деган гапни айтди.

Отабек, менинг ҳам фикрим шундай. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, дейдилар. Хуллас, қиз бола бўлсам ҳам Наргизанинг ёнини олмайман, аксинча бундай аҳмоқона иши учун ҳеч қачон кечирманг, деб маслаҳат бераман. "Севги дегани шунақа бўлади-ган бўлса, бошқа севамаганим бўлсин", деган гапингизга қўшилмайман. Чунки, "Бешта бармоқ тенг эмас", деганларидай ҳамма қизлар ҳам бунақа бўлмайди.

Эндигина 20 ёшда экансиз, ҳаётингиз давомида ҳали қанча қизлар билан танишасиз ҳам. Улардан бирини севиш ҳам қоласиз. Тўғри, Наргизани кўрагингизга юрагингиз сиқилади. Лекин вақт ҳамма нарсага даво. Аҳмоқона қилиш қилган Наргизани унутинг. Янаям ўзингиз биласиз-у, менинг фикрим шундай.

Илоийм чин севгига эришинг.

ЗУЛҲУМОР

Тошкент

О табек, муҳаббатга йўлиққан экансиз, лекин ўша қизнинг бевафо эканлигини билмай қолибсиз-да! Тўғри, севги қўзни кўр, қулоқни қар қилади, дейишади. Энди иложингиз қанча? Отабек, мен ундай қизларни хатто исмини ҳам айтишни хоҳламайман. Изласангиз ўз Кумушингизни топишингизга ишонаман. Яна шуни унутмангки, инсон ташки қиёфаси билан эмас, ички дунёси билан гўзал. Ёзай десам сизга айтмоқчи бўлган гапларим кўп. Хатингизга жавоб ёза туриб шойр Уйғуннинг шеърисидаги ушбу мисралар ёдимга келди.

**Вафосизлар вафо, севгининг,
Қандай қилиб қадрига етсин?
Қўй, йиғлама, ўша бевафо,
Садқан кўз ёшларинг кетсин!**

Лазиз НУРМАТОВ

Данғара тумани

Азиз онажонимиз!



Махмуджон ва Мақсудбек

Муборак 50 ёшингиз кутлуг бўлсин! Умрингиз узок, ўзингиз соғ-омон бўлинг. Оламдаги эзгу тилаклар сизга ёр бўлсин! Биз билан ўтган умрингиз қувончга тўлсин!

Ўғилларингиз —



Жамшид, ўғлингиз — Жавохир, Азамат ва оила аъзоларингиз

Азизам НОДИРАХОН!

Сизни таваллуд кунингиз ва 8-Март — Хотин-қизлар байрами билан табриқлаймиз! Ҳамиша соғ-омон бўлинг.

Умр йўлдошингиз —

САДОҚАТЛИН ЁР БУЛАРДИМ

42 ёшдаман. Ичмайман, чекмайман, касбим темирйўлчи. Наманган шаҳриданман. 38 ёшгача бўлган берафзанд ёки бир-иккита қизчаси бор вафодор, хушмуомала аёл билан танишсам. У ҳамшира ё чевар бўлса яхши бўларди. Ана шундай аёлга бутун умрини бағишлаб, бахтли қилиб яшар эдим...

Манзилим тахририятда.

Наманган



ТАҚДИРИМНИ БОҒЛАСАМ, ДЕЙМАН

Ёшим 28 да. Ажрашганман. Битта қизчам бор. Мен ҳам ширин турмуш қуриб, бахтли яшашни жуда-жуда истайман. Уй-жойи бор, касб-хунари, қизимга ҳақиқий ота бўладиган тошкентлик (ёки Тошкент вилоятидан) эркак бўлса тақдиримни боғлаган бўлардим.

Манзилимни тахририятдан олассиз.

Тошкент вилояти

ТҶЙХОНАДА РАҚС ТУШАЁТГАНДИМ...

Яқинда бир туш кўрдим. Синфдош дугонаминг тўйимиш. Уйда тантанадан дарак берувчи ажиб бир бўй кезар, стол-стуллар ясастиглик, тўрда келин-куёв ўтирар, чор-атрофда эса негидир ҳеч ким йўқ эмиси. Ажабо, тўйхонада бир-икки киши (қўшнилар бўлса керак) чой, ул-бул ташиб хизмат қилиб юришар, мен эса...рақс тушаётганмишман.

Тонгда тушимни эслаб, ажабландим. Дарҳақиқат, синфдошим Азиза бахтдан тинмаган аёл. Ҳозирда бир ўғил, бир қизи билан қийналиб яшайди. Тирикчилиги базур, ойма-ой зўрға ўтади. Унга

турмуши бузилган бир-икки кишилар оғиз солиб юришганидан хабарим бор. Аваз ака ҳам шулардан бири эди. Аваз аканинг хотини оламдан ўтган, фарзандлари эса ўзларидан тинишганди.

Ишга бориб, тушим ёдимдан чиқибди. Бирок, катта танаффусда ҳамкасбаларимдан Азизанинг Аваз ака билан тўйи бўлиб ўтганини, бироқ узрли сабаб боиси ҳеч кимни айтмаганини билдим.

Гулнора ТОХИРОВА

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани

“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Матбуот тарқатувчи Акциядорлик компанияси 2002 йил 4 апрел куни соат 11.00 да Тошкент ш. Амир Темур 1-тор қўчаси, 2-уйда жойлашган Тошкент шаҳар “Матбуот тарқатиш уюшмаси” биносидан 2001 йил якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.

Акциядорлар ва уларнинг вакиллари соат 10.00 дан бошлаб рўйхатдан ўтказиладилар.

Мажлис кун тартибига киритилган масалалар:

1. “Матбуот тарқатувчи” Акциядорлик компанияси 2001 йил фаолияти якунлари ҳисоботи.
2. “Матбуот тарқатувчи” Акциядор-

лик компанияси тафтиш комиссияси ва аудиторнинг ҳисоботини ва компаниянинг аудиторини тасдиқлаш.

3. Компаниянинг 2001 йил фаолияти бўйича бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлари ҳисобварагини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш.

4. 2001 йил якуни бўйича тўланадиган дивидендлар миқдорини тасдиқлаш.

Йиғилишда 2002 йил 27 феврал ҳолатига кўра акциядорлар реестрига киритилган акциядорлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Барча акциядорлар вакиллари, компания акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш учун паспорт ва ишончномани тақдим этиши шарт.

“Матбуот тарқатувчи” Акциядорлик компаниясининг 2001 йил фаолият якунлари бўйича ҳўжалик балансидан кўрсаткичлар:

№	Кўрсаткичлар	Актив (минг сўм)	Пассив (минг сўм)
1	Асосий воситалар	115469,8	
2	Номоддий активлар	114,3	
3	Оборот (айланма) активлар	3462477,5	
4	Устав капитал		100000,0
5	Резерв капитал		93854,3
6	Тақсимланмаган фойда		124805,5
7	Кредитор қарзлар		3259401,8
	БАЛАНС	3578061,6	3578061,6

- Махсулот сотишдан тушган тушум 4905568,8
- Харажатлар 467994,5
- Солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижа 87680,0
- Ҳисобот давридаги соф фойда 61168,0

Баланс кўрсаткичлари ҳаққонийлиги ташқи аудитор “Бухороконсаудитинг-форм” Акциядорлик жамияти томонидан тасдиқланган (2001 йил 8 ноябр 692-рақам билан рўйхатга олинган).

“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АК КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Шерали ҲОЖИЕВнинг “Мўтти” студияси ўқув курсларига қабул қилади.

1. Актёрлик маҳорати.
2. Сухандонлик.
3. Шоу-дастурлари бошловчиси.

Тел: 41-33-96, 58-48-50

Косметолог. Ҳуснбузар, доғ, ажин, товон ёрилишини даволайди. Юз массажи. “Ориф-лейм” косметикаси.

Тел: 35-39-93

“BEGOYIM - SERVIS” - ўқув маркази қизларни турли хил курсларга таклиф қилади:

Сартарошлик — 1 ой (тўй ва оқшом гуллари);
Сартарошлик — 2 ой;
Косметология — 2 ой;
Парда, пахирвал (элит) — 2 ой;
Пальто, плащ бичиш, тикеш — 1 ой;
Кулинария — 2 ой;
Уй ҳамшираси — 2 ой;

Массааж — 2 ой;
Инглиз тили — 3 ой;
Олий даражадаги кулинария — 1 ой (келин-куёв шаклини ясаш).

Ҳамма дарсларимиз амалиёт билан ўтади. Ўқини тугатгандан кейин диплом берилади.

1-Манзилимиз: “Мустақиллик майдони”, Ўрда бекати. Анхор бўйи 6-уй («Мустақиллик» метро бекати). Тел: 41-16-63.

2-Манзилимиз: Бухоро шаҳри, Чўлпон кўчаси, 12-уй. Мўлжал: Эски пахта заводи рўпарасида. Телефон: 224-53-81

“ЗУККО” фирмаси ўқув маркази Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ

1-ойлик: - Тижорат ва озиқ-овқат дўконлари учун сотувчилар. Бир ойга 6000 сўм.
2-ойлик: - Хар хил торт, салатлар тайёрлаш. Бир ойга 4000 сўм. - Сартарошлик. Бир ойга 4000 сўм. - Массааж (умумий). Бир ойга 4000 сўм. - Уй ҳамшираси. Бир ойга 4000 сўм.

3-ойлик: - Бичиш-тикиш. Бир ойга 4000 сўм. - Инглиз тили (бошловчилар учун). Бир ойга 3500 сўм. - Инглиз тили (давом эттирувчилар учун). Бир ойга 4000 сўм. - Акушерлик. Бир ойга 4000 сўм. - Теле-радио усталари. Бир ойга 4000 сўм.

Энг замонавий усулларда “Элита” пардалари ва чойшабларни тикеш. Бир ойга 4000 сўм.
Манзилимиз: Метронинг “Тинчлик” бекати ёнида жойлашган. Эслаб қолинг: “Зукко” фирмасининг ўқув маркази. “Адида” дўкони ёнида. Тел: 42-36-71

Ўқини битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Вилоятдан келган ётоқхона билан таъминланадилар. Фирма сифатли ўқитишга кафолат беради. Ҳамма ўқишлар амалиёти билан.

“MADINA BEGIM” ўқув МАСКАНИ БАРЧА ХОТИН-ҚИЗЛАРИ 8-МАРТ БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИҚЛАЙДИ ВА ЎҚУВ КУРСЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. Сартарошлик-3 ойлик. 2. Массааж-2 ойлик.
3. Уй ҳамшираси-3 ойлик (бир ой амалиёти билан).
4. Қандолатчилик- 2 ойлик.
5. Замонавий усулда парда ва пахирвал тикеш (катта ўқув).
6. Косметология-2 ойлик.
7. Компьютер- 2 ойлик.
8. Инглиз тили-2 ойлик.
9. Тасвирий маннор - 1 ойлик.
10. Эркаклар сартароши - 1 ой (салонда).

Парда ва торт тайёрлаш учун буюртма қабул қилинади. Амалиёт билан битирганларга диплом берилади. Манзилимиз: “Хадра” меҳмонхонаси ичида. 56 “-” уй, 5-кават. Мўлжал: Циркнинг ўнг томонидан. Тел: 144-28-11, 45-95-48.

“КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР” ўқув маркази таклиф қилади.

- 3 ойлик курслар: - Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер биллилари, - Банк иши ва компьютер биллилари, - Теле-радио-видео апаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, Интернетда Web-site, - Компьютерларни таъмирлаш устаси
- 2 ойлик курслар: - Компьютер биллилари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL, - Бухгалтерия ҳисоби, - Электр жиҳозларини таъмирлаш устаси. 1-С Бухгалтерия дастури — 1 ойлик.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, “Пичепром” лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 58-48-50.

“САНАМ СЕРВИС”

ўқув маркази ўқувчиларни қуйдаги ўқув курсига таклиф этади:

1. Бичиш-тикиш - 4 ой
2. Юмшоқ ўйинчоқлар тикеш - 3 ой
3. Замонавий усулларда “Элита” парда, чойшаб ва бежирим ёстиқлар тикеш, уй безатиш - 3 ой
4. Фантазияли гул безаклар ясаш - 2 ой
5. Торт, салатлар (келин-куёв ифодаланган торт пишириш) - 3 ой
6. Ҳамширалик (амалиёт билан) - 3 ой
7. Массааж (умумий) - 2 ой
8. Инглиз тили (бошланғич ва давом эттирувчилар учун) - 3 ой
9. Радио-техника - 3 ой
10. Компьютер - 3 ой
11. Косметология - 2 ой
12. Бухгалтерия - 3 ой

1-МАНЗИЛ: Себзор даҳаси, 310-мактабнинг 1-қавати. Мурожаат учун телефонлар: 40-20-59, соат 16.00 дан 22.00 гача. 2-МАНЗИЛ: Глинка-11, ИнтерАзия биноси, 4-қават, 406-хона. Мўлжал: Педагогика институти ёнида, Бобур боғи ва гул бозори қаршисида. Тел: 54-98-57. Лицензия: №05-3850

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергия, бўғин, ошқозон-ичак хасталиқларини, касалманд, ниҳом болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхит асбаста хасталигидан гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергия касаллиқларини аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб қолмайди. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

СОЧИНГИЗ КўРКАМ Бўлсин

Соч ҳамма вақт жилоланиб туриши учун уни табиий ҳолатда сақлашга ҳаракат қилинг. Фен, бўёқ, ялтироқ лаклар ҳамда пардозловчи воситаларни қамроқ ишлатинг. Сочни тез-тез фен ёрдамида кўнгирак қилиш зарарли. Бунда соч толасида бўшлиқлар пайдо бўлади, у ғовақлашади ва соч хурпаиб қолади. Сочни ҳар

моқ учда бошингиз терисини уқалаб, тухумли аралашманинг сингизига қўмақлашинг. Сўнгра бошингизни илиқ сузда яхшилаб ювинг. Ёки бошқа бир усулни қўланг. Беш ош қошиқ ўсимлик мойини қиздириб, яримта лимон шарбатига аралаштиринг. Кечкурун ётишдан олдин аралашмани соч тагига бир текисда суртиб, эрталаб ювиб ташлай

Маслаҳатхона

сиз. Агар бу муолажани ой давомида 2-3 марта қўлласангиз сочингиз бақувват бўлиб ўсади, тўкилиши камаяди, қалинлашади. Бошини ювгандан сўнг сочларни чайиш учун ишлатиладиган сувга лимон суви (бир литр сувга бир ош қошиқ) қўшилса, соч ипакдай майинлашиб жилоланади, кўркам тус олади.

Гулжамила тайёрлади

“Ховли олма, кўшни ол”, деб бежиз айтишмаган. Оилада ҳукм сурадиган тинчлик, тотувлик ҳам кўп жиҳатдан кўшнларга боғлиқ. Кўшнлар яхши бўлса ҳар бир оила ўз маконида унади, ўсади, маҳалла обод бўлади. Лекин, шундай кўшнлар борки атрофдагиларга ўз бўҳтонлари, сеҳр-жодулар, куракда турмас гаплари билан зиён-заҳмат етказадилар. Ўзаро жанжаллар келтириб чиқарадилар. Кўйда мен ёзган кўшнлар ҳам шулар жумласига киради. Улар шу рўзнома орқали ўз қора қилмишларини ўқиб, ўзларига тегишли хулоса чиқарадилар деган умиддаман.

Биз бу маҳаллага эндигина кўчиб келган пайтларимиз эди. Ўша воқеа ҳали-ҳали ёдимизда. Уйимизга табиий газ ўтказдик. Кўшнларнинг бирида онам ошхонада қайнаётган чойни олиш мақсадида кирдилар. Човгумнинг тағидаги олов ўчганини кўриб, уни қайта ёқмоқчи бўлдилар. Гургурти ёқилари билан атрофда гуриллаб аланга пайдо бўлди. Бунинг сабабини тушунолмай хайрон бўлдлар. Чунки сув қайнаб оловни ўчирган десалар, ҳали қайнамаган эди. Кейин билсалар, сўз ташқаридан аввал ўчириб, газ ёқилган экан. Аён бўлишича, бу ишни кўшни хонадонда яшовчи ўзимизга қариндош бўлган Шариф ака қилган эканлар. Уларнинг бу қилғилиги бизга нисбатан душманчилигининг бошланиши эди. Бу орада ҳар хил бўҳтонлар, камситишлар, таънаво маломатлар бўлиб ўтди. Орадан анча вақт ўтганидан сўнг ўша Шариф аканинг қандайдир домланики бўйнига олганидан хабардор бўлдик. Аллақандай чилла саклашлару, ховлига яширинча чиқишлар бизни хайрон қолдирди. Кўшнларнинг тўй-ҳашамларида ҳам кўрнимиз қолди. Сўнг гўё уларнинг шайтонлар билан алоқа қилишлари ҳақидаги миш-мишлар тарқалди. Кўшнларнинг бирида қариндошимизнинг тўйига кетдик. Эртасига келиб уй ишларини қилиб юрсак, ўт-ўнлар орасида ётган 2 та тўхумга кўзимиз тушди. Атрофимиздаги кўшни-

ларимизда товуқ йўқлиги сабабли биз бундан шубҳаландик. Биз бу тўхумларни оқар сувга отиб юборишни лозим топдик. Ўша кунни ишдан қайтган дадам негадир бўлар-бўлмасга асабийлаша бошладилар. Орадан кунлар ўтиб, бир оиладек бўлиб қолган бошқа бир кўшнимиз билан арзимаган гап сабаб айтишиб қолдик. Шундан сўнг ховли тозалаётиб девор тағидаги қувур оралиғида яна тўхум кўриб қолдик. Бу тўхум товуқники эди.

Товуқ қувур орасига тўхум қўя олмаслиги аниқ ҳол. Шу сабабли олдинги тўхум воқеасини назарда тутган ҳолда, одамларнинг маслаҳатига, уни нима мақсада қўйилганлигини билмоқчи бўлиб домлага олиб бордик. Тўхумни стол устига қўйишимиз билан унинг қизил ранги оқара бошлади. Домла бизга: “Бу тўхум иккита инोक оила ўртасида низо келиб чиқсин”, - деган мақсада қўйилганлигини айтди. Бу

га ҳам олишмаган экан. Хар доим: “Боланг ўлсин”, - дея қарғашаркан. Зоҳида опоки ва катта келинлари айтишиб қолишди. Шунда катта келинлари Салима кеннойига уйидаги деворга осигилик турган гилам орқасида ўн битта игна борлигини ва у игналарни қайноналари шу уйдан кетсин деган мақсада қўйганлигини алам устида айтиб қўйган. Шундан сўнг Салима кеннойи гиламининг орқасини қараса, овсини айтгандек ўн битта игна бор экан. Салима кеннойи ниналарни турмуш ўртоғига кўрсатибди. Шу сабабли анча уриш-жанжаллар бўлиб ўтди. Зоҳида опоки ва Шариф аканинг бу қилмишлари-ю, таъна-зугумларига чиқолмай ўғиллари ва келинлари уйдан кетиб қолишди.

Бу жанжаллар маҳаллада гапсўз бўлди. Шунда Зоҳида опоки ўз сеҳр-жодуларини яшириш мақсадида келинлари ва ўғилла-

риб, бу дунёда яхши одамлар ҳам бор, дедилар. Онам ва дамларнинг кўнгилларида бировга нисбатан ғараз ниятлари йўқлиги сабабли Зоҳида опоки ва Шариф аканинг кўп қилиқлари, тўхмату дашноларига чидаб келишларига хайрон бўлган, сабр-бардошлари олдида бош эгаман.

“Оила ва жамият” рўзномаси-



БИР-БИРИМИЗГА ҲАВАС ҚИЛИШ ЯШАСАК

гаплар аниқланганидан сўнг энди тупроқ, қум сепиш йўллариға ўтишди. Анча вақтдан сўнг Шариф аканинг уйларида тўй бўлди. Зоҳида опоки ўз акаларининг қизини келин қилдилар. Бошқа кўшнларда телефон йўқлиги сабабли кўп кўшнлар бизникига чиқишарди. Шариф аканинг янги келинлари Салима кеннойи ҳам бизникига телефон қилиш учун чиқа бошладилар.

Кўп ўтмай бу хонадонда янги келинни ҳам чиқиштирмай қўйишди.

Уйларида уриш-жанжаллар бўлиб турарди. Хаттоки Салима кеннойи ховлига қилсалар изларини сув оқизиб ювган пайтлари бўлди. Бу қилғиликлардан кеннойи жуда хафа бўлардилар. Кўп ўтмай фарзандли бўлдилар. Фарзандлари жуда ширин эди. Уйидагилар болага қараш тугул уни хатто қўллари-

ри кетиб қолишига онамни сабабчи қилдилар. Уйига телефонга чиққанда айттиди, бизни ёмонлади, деб гап тарқатдилар. Кўп ўтмай Зоҳида опокининг келинлари ва ўғиллари нима сабабдан кетиб қолганлигидан ҳамма хабар топди. Сентябрь ойининг ўрталари эди. Мен ўқишдан келганимдан сўнг сингилм билан кўча юзидаги кўшнимизникига бир иш билан қидик ва қайтиб келаётганимизда Зоҳида опокининг қизлари: “Кўчамизга ахлат сочдиларинг”, - дея бақира кетди. Сингилм ва мен эшитмаганликка олиб кириб кетдик. Шу йўсинда жанжал чиқариш учун ҳар хил бахоналар қидирадиган бўлишдик.

Рамазон ҳайитида ҳаммамиз меҳмонга кетдик. Кеч тушгандан сўнг қайтиб келдик. Дарвоза ёнига яқинлашганимизда қулф бузиб очилганини кўрдик. Ховлига кирсак, ҳамма

яна қайтарилса милицияга хабар қилишларини айтдилар. Ўша-ўша уйимизни ёлғиз ташлаб кетолмаймиз. Укамнинг ўғил тўйида ҳамма кўшнлар бирга ўтиришганида Зоҳида опоки онамни ҳамма кўшнларга ёмон кўрсатиш мақсадида: “Сеҳр-жоду билан шуғулланади”, - деб тўхмат қилган эканлар. 5-6 кундан сўнг бир кўшнимиз онамни кўчада кўриб қолиб Зоҳида опокининг айтганларини, “Ростми”, деб сўрабдилар ва «Сиз бундай ишлар билан шуғулланишингизга ишонмайман», - дебдилар. Онам ўша кунни жуда ҳам хафа бўлиб келдилар. Онамни сиқилишларини кўриб Зоҳида опокидан нафратланиб кетдим.

Шунда дадам: “Ундай қилма, ҳар ким қилса ўзига, ҳамма ўз қилмиши учун бир кунни келиб жазосини олади”, - деб юпатди. Оллоҳнинг биргина бадасини ранжитиш ва қўнглини чўктириш Маккани бузиш билан баробар эканлигини тушуни-

да яхши кўшнлар ҳақида мақолалар ўқирканман жамиятимизда шундай эъзозли одамлар ҳам борлигидан жуда хурсанд бўлган. Бундайларга ҳавасим келади. Бизга ҳам Оллоҳ шундай кўшнлардан ато этишини ёлвориб сўраб қолам. Бировларга ҳасад билан қарайдиганларни, ҳар доим ён атрофдагиларга ёмонликни раво қўрадиган одамларни инсон деган улуг номга нолийк, деб биламан.

Азиз юртдошларим! Сиз ҳам сеҳр-жоду каби қора ишлар билан шуғулланган одамларнинг кейинчалик қандай кўргуликларга дуч келганликлари ҳақида билсангиз ёзиб юборинг. Токи, шуларга ўхшаш одамлар тегишли хулоса чиқариб, бир кун келиб уларга ҳам шундай жазо муқаррарлигини тушуниб етишсин. Шоудки кўшнларимиз ҳам шундай воқеаларни ўқиб ноўрин қилмишларидан уялишса ва виждонан иш тутишса...

ЖАМИЛА

Самарқанд шахри

Мен қайнонаман. Мен ҳам барча оналар қатори умид билан келин туширдим. Келинни ўз фарзандимиз қатори, ундан ҳам ортиқ қўрардик. Исмига “хон” қўшиб қақирардик. Хонадонимизда хизмат ҳам кўп эмас. Келинимни ўзимга худди дўғонадек тутиб рўзгор иқир-чиқирларини эринмай, оғринмай ўргатар эдим. Келиним ораста бўлишини, турмуш ўртоғи ишдан келганда яшнаб очилиб қут-қилишини хоҳлардим. Сартарошхонага ўзим олиб бориб сочини турмаклатиб келардим. Яратган эгам бизга қиз неварга ато этди. Бизнинг қувончимиз кўкларга етди. Турғуқхонадан чиққандан сўнг алоҳида уйга жойлаштирдик. Чунки она-бола чилла даврида асралса кейинчалик ҳар иккиси ҳам соғлом бўлади. Ёдидан нарсаларини патнисига солиб уйига қиритиб берад эдик. Келинимга қарашай, неварамни парвариш қилай, деб таътилга чиқдим. Аммажониси гўдакнинг бўюмларини оппоқ қордек ювиб, дазмоллаб киритиб қўярди. Хуллас, уй ичимиз билан қувончимиз ичимизга сиғмас, келинимиз ва гўдага билан овора эдик. Кунлар, ойлار ўтган сари келинимиз айний бошлади. Бундай ҳол келин бўлиб тушганида бошланган эди. Биз аҳамият бермас эдик. Ҳали ёш-да, ақли кириб қолар, деб ўйлардик. Халқимизда “Қизни айтганга янаси”, - деган ибора бор. Менимча, бунда айнан она катта рол ўйнайди. Келинимиз уйга бароб келди, дегунча айнир-

ди-қўярди. Қовоқ-тумшугидан қор ёғади. Бизга жаж қилиб болани бўлар-бўлмасга уриб, силталаб, турткилай бошлайдик. Чунки биз болани яхши кўрамыз, нозик жойдан олади. Эрни ҳурмат қилмай қўйди, бўлар-бўлмас нарсадан уриш-



КўНГИЛ ОҒРИМАСИН ЭКАН...

жанжал чиқарар, тил билан олишиш етмагандек, қўли билан чанг соладиган ҳунар чиқарди. Бир-икки ўғлимни юзи тирналган ҳолда кўрганимизда, “қизимни ўйлатиб ўтиривдим тирнаб олди”, деб бизни юпатган бўлди. Уриш-жанжал қилавериб, охири онаси қизини “алоҳида яшасин”, деб бизнинг бағримиздан олиб олиб кетди. Биз бунга ҳам рози бўлдик. “Майли, қаерда бўлса ҳам бола-мизнинг боши омон бўлсин”, дедик. Хар ҳафта бозор қилиб кўргани борамиз. Кун ора телефон орқали келинимиздан: “Рўзгорда камчилик йўқми?”, деб сўраймиз. Келинимиз у-бу буюртма берса, эртасигаёқ қайнота етказар эдилар. Бу орада иккинчи фарзанд туғилди. Уларнинг оилавий турмуши яхши бўлиш ўрнига баттар бўлди. Биз аралашмай қўйдик. Ўғлимни жуда беҳурмат қилаверганидан сўнг ўғлимни яшайаман, деб туриб олди. “Иккита болангги тирик етим қилиб, қандай яшайсан”, деб судга ариза бермаслигини илтимос қилдик. Келинимга гапириб тушунтирдик, лекин тушунмади.

“Бахт қалити тилда”, дейдилар. Келининг бахти ширин сўзи, ҳаё ва ибосида-дир. Мени қанчалар ҳақоратлаб, бетга-чопарлик қилсада қийайман-у, лекин қайнотасини ва ўғлимни хафа қилса изтироб чекаман. Хар кунни ичиб юрадиган

қайнота, эр бўлса ҳам майлийди. Эрим келинининг туғилган кунни дейсизми, байрамлар дейсизми, ҳеч бирини қанда қилмай совғалар билан табриклаб келади-лар. Боланинг дунёқараш кенг бўлади, деб невараларини истироҳат ва ҳайвонот боғларига олиб борадилар. Биз эр-хотин иккимиз ҳам ишхонада, ошна-оғайнлар орасида ҳурматимиз баланд. Лекин, келинимиз келин бўлиб, қайнона-қайнотасини ҳурматини жойига қўйиш билмади. Биз невараларимизни кўргани борганимизда келинимиз онаси билан шундай қутиб олишдики, бунга сўз ожизлик қилади. Кетаётганимизда келинимизнинг онаси орқамиздан тош отиб, итини занжирдан қўйиб юборди. Дилларимиз вайрон, орзу-умидларимиз паймол бўлганини билсангиз эди... Шунча ишлардан сўнг ўғлим: “Менинг ота-онамни ҳурмат қила билмаган инсон билан яшолмайман”, деб туриб олди. Шунча ҳақорат, шунча хўрликлардан кейин ҳам ўғлимнинг келтиларини тирик етим қилиб ажралиб бетишини хоҳламайман. Болаларда нима

гуноҳ? Гулдек болаларим кимнинг эшигига бориб, кимни ота дейди, ахир? Қушнинг ҳам уяси бузилмасин, дейишад. Бу тўрт жондан иборат битта оила-ку! Мен ўйлаб ўйимга етолмайман. Гоҳида ҳамма келин ҳам шундаймикан, “Ойи” дейишга ҳам арзимайдиган қайнона эканман-да, қаерда қандай хатога йўл қўйдим экан, деб ўйга толаман. Келинимнинг онаси ўқитувчи. Қу-дамнинг хатти-ҳаракати, оғзидан чиқаётган беҳаё сўзларига чидаш қийин. Ўзи бека бўлган оилани, хонадонини гулистонга эмас, балки гўристонга айлантирган бу аёл қандай қилиб болаларга таълим-тарбия бераётган экан. Аёл-муқаддас... аёлийк тахти салтанатини йўқотган аёл эса қийин кишилари учун сеvimли бўлмайди.

Қўнғил нозик... Қўнғил оғримасин экан. Лекин болангиз учун ҳамма нарсасга рози бўлар экансиз. Ҳақоратларга бардош берад экансиз. Шу воқеалардан сўнг кенжа ўғлим: “Онажон, хотин зоти шунақа бўлса уйланмайман”, дейди. Худодан келинимга ва онасига инсоф беришини сўрайман. Менга улардан ҳеч нарсга керак эмас. Озгина ҳурмат ва ширин сўзини аямас бўлган. Ўғлимнинг қўларидан бахт нурини кўрсам, ўзимни энг бахтли она, деб ҳисоблайман. Зора ёзганларимни келиним ва онаси ўқиб инсофга келса, деб умид қилиб қолам.

ҚАЛБИ ЧИЛ-ПАРЧИН
БЎЛГАН ҚАЙНОНА

ЯХШИЛИК ЕРДА ҚОЛМАС

Ривоят қилишларича, бир бой: "Мана, анча ёшга кирдим. Фарзанд кўрмадим. Мол дунёни ниҳоятда кўп. Лекин шу пайтгача, бировга яхшилиқ қилмадим. Аксинча, баъзида оддий халққа зиён ва озор ҳам етказдим. Энди шу гуноҳларимни ювиш учун, бир мадраса кураё. Шоядки, яратган эгам гуноҳларимни авф этса", - дея ўйлабди.

Бой мадраса куриш учун яхши усталарни жалб этибди. Кунларнинг бирида бой усталар ишини кузатиб юриб, бир чукурда ивтиб қўйилган оҳақда жон талвасида типирчилаб юрган кўзи тушибди. Бой ҳассасини чумолига узатиб, чумолини илтирибди. Шундай қилиб, чумоли эсон-омон кутилиб ўз йўлига равона бўлибди. Бой шу кечаси туш кўриб, Оллоҳ таолонинг шундай нидосини эшитибди: "Эй бандам, бугунги қилган яхшилигинг учун сенинг жойинг жаннатда бўлади..."

Бой уйғониб, садақалар инъом қилибди. У ўзи учун яна шундай хулосага келибди: "Ахир мен яхшилиқ қилай деб, мадраса кураяман. Яратган эгам арзимас бир чумолини кутқарганим учун мени жаннатга киритмоқчи. Демак, Оллоҳ таолло олдида яхшилиқнинг катта-кичиги тенг даражада экан-да..."

Мана шулардан бири: Раҳмат ака (номини ўзгартириб ёзаяпман) хўжалиқда 45 йиллар ҳамаси табелчи, бригадирлик вазифаларида ҳалол ишлади. Аёли ҳам меҳнаткаш, болапарвар. Опахон ҳар йили ипак курти парвариш қилади. Ўғилу қизлар унга ёрдамчи. Яна ипак курти олиб, парваришни бошлади. Ўғиллари уларга сўқачлар тайёрлашди. Молларни қишда боқиш учун мўлжалланган оғилда ҳам сўқачлар қўйишди. Ўғиллардан бири қараса, оғилхонадаги сўқач устига чумолилар чикаяпти. Йигит бир чўпга эски латта-путталарни ўрадида, уни челақда турган соляркага ботирди. Сўнгра уни ёқиб, чумолилар инига яқинлаштирди. Жониворлар қисир-қисир қилиб ёнар, тўрт томонга ўзини олиб қочарди. Бир пайт йигит қараса, айрим чумолилар деворда юриб, оғил чўпларига қараб кетаяпти. Йигит беихтиёр ёнаётган чўпни чумоли йўлига тўғрилади. Шу пайт шипдаги қамишлар ёна бошлади. Йигит бундай бўлишини асло кутмаганди. Оғилдаги тўсинлар ҳам ёна бошлади. Аксига олиб ўйда ҳеч ким йўқ. Йигит жон талвасида бахирди, додлади. Олов тобора аланга олиб, оғилдан айвонга кўчган эди. Айвон устидаги беда ва хашаклар тезда ёниб кулга айланди. Айвон остидаги сигир, унга қўшилиб боласи ҳам жон

аччиғида мўъради. Шу пайт опахон етиб келди, ўзини ёнаётган айвон остидаги сигирга урди. Уни арқонини ечиб юборди. Сигир эса боласига қараб югурди. Опахоннинг бу пайтда анча жойи қуйиб улгурган эди. Шунга қарамай, бир амал қилиб сигир боласини ипини ечиб юборди. Сигир ва бузоқнинг ҳам, опахоннинг ҳам анча жойи қуйганди. Кўни-қўшиллар йиғилиб, оловни ўчира бошлашди. Ёрдамга олов ўчирувчи машина ҳам келди. Аммо бешафқат олов ўзи ишини қилган, оғилу айвон батамом қуйиб бўлган эди. Энг асосийси, опахоннинг аҳволи оғир эди. Тезда вилот касалхонасига ётқизишди. Шифокорларнинг кеча-ю кундуз қилган муолажаларими, яратган эгамнинг раҳми келдими, ҳарқалай, опахон соғая бошлади. Аммо врачлар Раҳмат акани ўз кабинетларига чақириб мас-

Қиссатан-қисса

лаҳат беришди: "Биз кўлимиздан келганини қилдик. Аммо, онахоннинг юраклари чатоқ экан, Ёш, соғлом келинчақнинг кўкрак суги зарур. Хотинингизга бир ҳафта — ўн кун шу нарсани ичириш зарур. Юракни мустаҳкам қилади. Яна у ёғини кўрамиз..."

Худди шундай қилишди ҳам. Қўшни келин ўз сугидан беришга рози бўлди: "Қўшимга шундай пайтда ёрдам бермасам, қачон ёрдам бераман". Раҳмат ака бир ҳафта, ўн кун касалхонага она суги ташиди.

Опахон тузалди. Уйга қайтди. Ўғиллару, келинлар, неваралар, қишлоқ аҳли опахонни тузалиб келиши билан қутлашди. Қўшни келин ҳам келди. Опахон ўрнидан туриб келинчақни маҳкам бағрига босди. Қўзларидан дув-дув ёшлари тўкиларкан: "Энди сиз менинг онамсиз, қадрдоним, халоскоримсиз", - деди.

Орадан кунлар ўтди. Ёнғининг қиш сабабларини Раҳмат ака суриштирди. Энг кичик ўғли воқеа сабабчиси бўлгани учун, унга анча насихатлар қилди...

Озгина бўлса-да, биз ҳам ўйлаб хулоса чиқарайлик-чи. Агар йигитча чумолиларни ўлдирмаганида, оғил ва айвонлар ёнамасмиди? Меҳрибон онаси сигир ва бузоқни қутқараман, деб шунча қўямасмиди? Икки оғилба шифохонада даволанмасмиди? Сигир ва бузоғи шунча азобга қолмасди. Балки ҳаммаси Оллоҳдандир. Опахон жон ҳолатда сигир ва бузоқни қутқаргани учун, балки омон қолгандир. Балки она суги опахон умрининг узайишига сабабчи бўлгандир?..

Ҳа, яхшилиқ ерда қолмайди. Доимо кишиларга, жониворларга яхшилиқ қилайлик.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ

Бухоро вилояти,
Ғиждувон тумани

Ўтган сонларнинг қисқача мазмуни: **Равшан билан Лобар исмли икки ёш ёш-ликдан бир-бирига кўнгли бериб, ўз севгисига етишишмайдди. Иллар ўтиб, Лобар эридан ажрашган. Равшан олдида бўлса-да, бир-бири билан учраша бошлашди. Лобар «Менга уйланасиз!» деб шарт қўяди. Равшаннинг эса уйланиш нияти йўқ эди.**

Равшан Лобарникидан хомуш кайфиятда чиқди. Унинг бирон ширин сўз айтмай чиқиб кетгани Лобарга алам қилди. "Энди ўзиндан кўр", - деди орқасида қазабланиб.

Кундан-кунга Равшаннинг юрагини ҳар хил ўйлар ке-

шинасининг ичида ўтириб, Лобарни кутди-да, келмагач ноилоҳ уйига жўнади.

Эрталаб ишга ҳам бормади. Унинг боши қотиб қолган эди. Бир ҳаёли Ботирда бўлса, иккинчи ҳаёли Лобарда эди. "Наҳотки, банкдан пул олдим, деб алдаган

кетди. - Қайси ўйнашинг учун очиб қўйдинг дарвозани, - Равшан унга яқинроқ келди.

Розия индамади. - Менга қара, нимага индамайсан, нимага ўзингдан кетасан, - Равшан унинг кўлидан ўшлаб ўзига торт-

ЁШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ

мира бошлади. "Машинамни сотсам ҳам, уйимни сотсам ҳам, қарз олиб бўлса ҳам Ботирни даволатишим керак. Бировни ногирон қилиб уволга қолмаслигим керак".

Яна бир неча кундан кейин ишдан чиқиб кечкурун Лобарникига йўл олди. Чунки Ботирнинг уйини, қариндошларини ҳам фақат Лобар биларди. Уни хизматкор аёл қутиб олди.

- Келинг, - деди у Равшанни хушламайгина.

- Лобар уйда, - Равшаннинг юраги кўнгилсиз бир нарсани сезди.

- Йўқ, боя бир-икки киши келганди, бирга чиқиб кетишди. Ҳа, "Бировлар келса мени қутиб ўтиришмасин, бир болани катта дўхтирларга кўрсатишга кетаяпмиз", - деб тайинлади.

Равшаннинг кайфияти тушиб, ёмон бир ҳолатда уйга қайтиб келди. Розиянинг олдига қўйган овқатидан тотиб ҳам кўрмади. Тўни билан уйқуси келмай фикру ҳаёли Ботирда бўлди. Эрталаб ҳам номигагина нонушта қилдида, ишга жўнади. Кўни билан, "Нима қилиб бўлса ҳам, уни даволатишим керак", деган фикр унинг ҳаёлини тарқ этмади. Ишдан чиқиб яна Лобарникига йўл олди.

Ёшқини очган хизматкор аёл яна Лобарнинг уйда йўқлигини айтиб: "Бир болани даволатаман, деб фозизга пул олган экан, шунинг

фоизи кўпайиб, миллион бўлиб кетганмиш. Эрталаб бир аёл келиб: "Пулни беринг", - деб роса жанжал қилди. "Мен сизга "эрим" деганингиз учун берувдим, бегона эканлигини билганимда бермасдим", - деди-ми-ей.

- Нима, ахир?.. - Равшаннинг боши гувуллаб кетди. - Ахир банкдан ўз пулимдан ишлатдим деганим-ку?

- Сизни ҳафа қилгиси келмаган-да, болам.

"Ҳафа қилгиси келмабди-ку, лекин пикчосиз сўйибдида. Ё ўша аёлникига кетганим, шу вақтгача келмади".

Равшан бир соатлар ма-

бўлса?!" Тушликка яқин яна Лобарникига борди.

- Бугун ҳам ишнинг юришмади-да, - деди аёл у билан номигагина сўрашгач.

- Бугун ҳам уйда йўқми? - Равшан ҳайрон бўлди.

- Афсуски, шундай.

Лобарни бугун ҳам учратолмай ҳафсаласи пир бўлиб қайтаётган Равшан ногоҳон светфор ёнига келиб тўхтаган қизил машина ичидаги аёлни Лобарга ўхшатди. Қўзларига ишонмай янаям тикилиброк қаради. Ҳа, у адашмаган эди. Лобар ҳайдовчи йигитнинг ёнига ўтириб олган. Йигит бир қўли рулда, бир қўли билан эса унинг сочларини ўйнади, Лобар нозланиб бошини орқага ташларди. Яхшиям шу пайт светфорнинг яшил чироғи ёниб қолди. Улар ўтирган машина гизиллаб Равшаннинг машинаси олдида ўтиб кетди.

Равшаннинг бошига биров гурзи билан туширгандай бўлди. У фикрини бир жойга жамлаб ўзига келганда, орқа тарафдаги машина тилсимсиз сигнал чаларди...

Равшаннинг юрагини алам, нафрат қамраб олди. "Наҳотки шунчалик осон бўлса, бирига аччиқ қилиб иккинчиси билан топишиш. Мен кийим эмасманки ёқсам қийиб, ёқмасам ечиб бошқасини қийса. Наҳотки, кечагина мен учун жонини ҳам аямайдиган аёл шу бўлса! Наҳотки, наҳотки?!" Бу саволлар Равшаннинг юрагига найза каби санчилаверди.

Равшан аламидан ичиб, маст бўлиб кечаси уйга келди.

- Розия, - деб қақирди у уйга кирар-қирмас. Розия чўчиб тушди. Равшаннинг вазоҳатини қўриб қўқиб



ди. Розия яна индамади. - Гапир гун, гапир, - Равшан уни силтай бошлади. - Шукр қилмайсанми, сени учта боланг билан қўйиб юбормаганимга. Одамлар ўнта боласи билан хотини уйдан қувиб, бошқасини олиб кетаяпти. Сен эса бир бундоқ менинг кўнглимни олишни ҳам билмайсан! Розиянинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Агар Умиджон йиғламаганида бу жанжал анча вақтгача давом этарди. Равшан ўзини зўрга тўхтатди. Тўхтатди-ю, шу турган ерида ўтириб қолди. Қизишиб кетдимикан, у эсини таниганидан буён биринчи мартаба шундай ҳолатга тушиши эди. Равшан ерга бир мушт урди-да, қўзларига ёш келди, қўли тўйиб-тўйиб йиғлади. Розия учун йиғладими, Лобар учун йиғладими ё ўзи учунми, ишқилиб ўқсиб тўйиб-тўйиб йиғлади.

Равшан уйдан чиқиб ишга ҳам бормади, жўралариникига ҳам. У тўғри онасидан қолган эски ховлига борди. У ерда укаси яшарди. Улар билан қўришиб, илгари онаси ётган хонага кирди.

- Менга овқат, чой-пой керакмас, бироз дам олмоқчиман, - деди у келини ва укасига.

(Давоми бор)
Розия АБАЗОВА

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда "Оила ва жамият"дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-
наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 20.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИИ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { тақшилотлар учун 177
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида
№ 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 3126. Формати А-3, ҳажми 2 босма тоб.
Баҳоси эркин нарҳда. Адади — 3183
Саҳифаловчи — Жаффар ЖАББОРОВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Набатчи — М. СОДИКОВ.